Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 253 (2237). ШАНБА 27 ОКТЯБРЬ 1973 й.

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлади. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРОПАГАНДИСТЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИ

Партия маорифи ва иқтисодий ўқув системасининг ҳамма шоҳобчаларида янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Лепин район партия комитетида бўлиб ўтган пропагандистлар семинари уларнинг қандай тайёргарлик кўрганликларига бағишланди.

Семинарда район партия комитетининг секретари И. И. Мельникова «Партия маорифи системасида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан партия ташкилотлари олдида турган асосий идеология ишлари ва вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Биринчи машғулотда ўтиладиган «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан КПССнинг халқаро фаолияти» деган темада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лектори фалсафа фанлари кандидати Ш. Ғ. Яҳёев лекция ўқиди.

Пропагандистлар ва семинар машғулотлари юзасидан тавсияномалар ва перспектив планлар берилди.

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРНИНГ ЖАҲОН КОНГРЕССИ

ХАЛҚЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ — ТИНЧЛИК

МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи. Шу кунларда прогрессив инсониятнинг, тинчликни қадрловчи ҳамма кишиларнинг фикри-зикри ва умиди шу ерга қаратилган. Бу ерда, Кремлда тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси ўз ишини давом эттирмоқда.

144 давлат халқларининг вакиллари, жуда турли-туман сиёсий партиялар, халқаро ва миллий ташкилотлар, озодлик ҳаракатининг намояндалари, ҳилма-ҳил қарашдаги кишилар 26 октябрь эрталаб яна Кремлнинг съездлар саройига тўпландилар. Уларнинг ҳаммасини тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатишга, халқаро хавфсизлик учун, ер юзидаги одамларнинг тараққиёти ва бахт-саодати учун курашга ўз ҳиссасини қўшишга бўлган азми-қарор бирлаштирган.

Эрталабки мажлис фашистлар диктатурасига қарши одилона кураш олиб бораётган Чили халқ демократик кучлари билан бирдамликка бағишланди.

Раислик қилувчи — халқаро тайёргарлик комитети раисининг ўринбосари, конгрессга кўмаклашувчи Совет комитетининг раиси **М. В. Зимянин** қаҳрамонона ҳалок бўлган Чили президенти Сальвадор Альенденинг дўсти ва сафдоши — **Ортенсия Бусси** де **Альендe**га сўз берди.

Конгресс делегатлари ва меҳмонлари Чили халқ президентининг сафдошини зўр ҳаяжон ва самимият билан табриклайдилар. Бу довюрак аёл ана шу оғир ва мусибатли кунларда Чили халқининг шонли ва мардона кураши тўғрисида одамларга гапириб бериш учун конгрессга келди.

Ортенсия Бусси де Альенде турли мамлакатлардан, ер курраси-нинг бошқа қитъалари ва районларидан конгрессга қатнашиш учун Москвага келган ҳамма кишиларни табриклайди. У Сальвадор Альенде ҳурматини бажо келтириб, уни эслаётган ҳамма кишиларга миннатдорчилик билдиради.

Ортенсия Альенде Чили халқи озодлик қурашининг тарихи тўғрисида гапиради, меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб борган кураши Чилида биринчи халқ ҳукуматини тузишга олиб келганлигини айтади. У ишчилар синфи ва уни қўллаб-қувватлаётган тараққийпарвар кучлар бу мақсадга тинч ва демократик йўл билан эришганликларини таъкидлайди.

Бу ерда, дейди президентнинг рафиқаси, ўзи азалдан танлаб олган йўлга хиёнат қилмай, ҳалок бўлган буюлмас курашчи турмуш ўртоғининг ҳалокати тўғрисида мен қай тил билан гапирай, ахир: у қонунни, демократияни, адолат ва озодликни мардларча ҳимоя қилиб ҳалок бўлди. Мен ўзимнинг шахсий фожиам тўғрисида, оиламнинг фожиаси тўғрисида, Мексика элчихонаси олий ҳимматлик билан бизга бошпана берганлиги туфайлигина биз Чилидан омон-эсон чиқиб келган таҳликали вазиятлар тўғрисида гапириб ўтирмайман.

Бу ерда мен хунта қилаётган жиноятларга баҳо бермайман. Бу ўринда гап одамларни корчалонларнинг измига бўйсунувчи ва бемалол эксплуатация қилинувчи итоаткор галаларга айлантиришга интилаётган фашизм тўғрисида бораётир.

Бугун мен, дейди Ортенсия Бусси де Альенде, Чилининг халқ президенти тўғрисида шоҳид сифатида, демократ аёл сифатида, ҳалок бўлган жангчининг яқин ўртоғи бўлган, унинг фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларига ошно бўлган, унинг олижаноб ҳаётининг гувоҳи бўлган бир киши сифатида гапириб бермоқчиман.

Сальвадор Альенде демократ эди. Халқ онгини шакллантирувчи гоялар, сўзлар, ошкора сиёсий ҳаракат унинг қуроли бўлди. У миллий манфаатларининг ҳимоячиси, ҳақли равишда меҳнаткашларга, Чили пролетариатига тегишли бўлган бойликларни уларнинг ўзига қайтариб олиб беришни истаган ватанпарвар эди. У курашчилар орасида курашчи эди. Халқ уни ўзининг ўртоғи, ўзининг раҳбари деб атар эди, чунки у ҳақиқатан ҳам халқнинг муддаоларини ифодалар эди.

Сайлов туфайли Халқ бирлиги ғалаба қозонган биринчи кундан бошлабоқ халқаро империализм томонидан пул билан таъминланувчи ва гиж-гижланган тескарича қора кучлар Чили халқига ва халқ президентига қарши қабиҳ фаолият бошладилар. Ҳарбий хунта ва унинг фашист илҳомчилари қонуний ҳукуматни агдариб ташлаб, мамлакатни чин ватанпарварлар қонига ғарқ қилди. Исён бошланган кундан бери орадан бир ярим ой вақт ўтган бўлса ҳам, софдил ва ҳимоячисиз кишиларни ов қилиш ҳамон давом этмоқда.

Чилини фашизмнинг жирканч ва машъум сояси қоплаб олди. Ҳар қандай демократия, озодлик, инсоний ҳуқуқлар ҳаммаси бекор қилинди. Ҳарбий юстициянинг уруш даврига татбиқ этиладиган кодекси ҳозир Чилида ҳукм суриб турган бирдан-бир қонун бўлиб қолди.

(Давоми 3-бетда).

МОСКВА, 1973 йил 26 октябрь, Кремлнинг Съездлар саройи. Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзламоқда.

М. Снурихина ва В. Якобсон фотоси. («Правда»дан).

АДОЛАТЛИ, ДЕМОКРАТИК ТИНЧЛИК УЧУН, ХАЛҚЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК УЧУН

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРНИНГ ЖАҲОН КОНГРЕССИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз дўстлар! Ҳурматли меҳмонлар! Ўртоқлар!

Планетамиздаги тинчликсевар кучларнинг вакиллари бўлган сизларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бутун совет халқи номидан чин кўнгилдан табриклаш имкониятига эга бўлганлигим учун астойдил хурсандман.

Кеча шу минбарда туриб дўстимиз Ромеш Чандра ва бир қанча мўътабар халқаро ташкилотларнинг делегатлари бизнинг мамлакатимиз тўғрисида, унинг халқаро сиёсати ҳақида самимий, яхши сўзлар айтишди. Бунинг учун биз улардан ғоят миннатдормиз.

Конгрессинг иш жойи қилиб пойтахтимиз Москвани танлаш тўғрисидаги қарор барча совет кишиларини халқлар тинчлиги, эркинлиги ва хавфсизлиги учун курашни янада кучайтиришга рағбатлантиради.

Тинчлик учун ижтимоий ҳаракат тарихида илҳомбахш мисоллар оз эмас, лекин тинчликсевар кучларнинг ҳозирги Жаҳон конгреси сингари мана шундай миқёсдаги халқаро анжуман, мана шундай ваколатли йиғилиш ҳали шу вақтгача бўлмаган эди, деб айтсам хато қилмаган бўламан.

Тинчлик учун курашувчиларнинг социализм мамлакатларидан, буржуа давлатларидан, ривожланаётган мамлакатлардан келган делегациялари шу залда йиғилишган.

Шу залда биз турли сиёсий маслакларнинг намояндаларини: ер юзида яхши келажак бўлсин деб биз билан бирга курашаётган қардошларимизни — коммунистларни, социал демократия арбобларини, революцион демократик партияларнинг ва миллий озодлик ҳаракатларининг вакилларини кўриб турибмиз. Бу ерда бошқа маслакдаги сиёсий партияларнинг арбоблари ўтиришибди. Бу ерда ҳозир бўлганлар орасида ўз халқларининг келажаги учун ғоят жон куйдираётган партиясизлар ҳам бор. Бу ерда атеистлар билан диндорлар бирга тўпланишган.

Бу залда ҳозир бўлганлар орасида ишчилар, деҳқонларни, фан ва санъат арбобларини, барча зиёлиларнинг вакилларини, яъни ўз қўли, ақл-заковати, ижодий илҳоми билан планетамиздаги барча моддий ва маънавий бойликларни яратаётган кишиларни кўриб турибмиз. Тинчлик билан меҳнат азалдан бир-бири билан боғланган. Урушлар эксплуатацияни ва зулмни келтириб чиқараверади, тинчлик манбаи эса, ҳамиша оқибат натижада меҳнат аҳлининг ўзидан иборат бўлиб келди. Станок ёки металл эритиладиган печ олдида ишлаб турган, трактор ҳайдаётган, қурилишларнинг ҳавозаларида иш лаётган, университет кафедрасида дарс бераётган ёки илмий тадқиқот лабораториясида ишлаётган меҳнат аҳлининг ҳаммаси аввало тинчликка муҳтож.

Конгрессда капиталистик мамлакатлардаги савдо-саноат доираларининг намояндалари, планеталардаги барча мамлакатларнинг ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик қилишига тарафдор бўлган доираларнинг намояндалари ҳам қатнашмоқда. Мана шунинг ўзи ҳам тинчликсевар кучларнинг олижаноб ҳаракати таянаётган негизнинг кенглигидан яна бир марта далолат бериб турибди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, шунингдек шу ташкилот комитетларининг ва ихтисослаштирилган муассасаларининг вакиллари тинчликсевар кучлар конгрессида қатнашаётирки, бизнинг нуқтаи назаримиздан янги ва қувончли бўлган бу ҳолни алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиман. Биз буни конуниятли факт деб биламиз. Зеро Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўз Уставида қайд қилинган асосий мақсадлари ва вазифалари ушбу конгрессининг мақсадлари ва истакларига мос бўлиб тушмоқда. Бу мақсад ва истаклар эса ер юзида тинчлик ишига ҳамда давлатлар ва халқлар ўртасида самарали ҳамкорлик қилишнигга бутун чоралар билан кўмаклашишдан иборатдир.

Азиз дўстлар!

Кўп асрлар давомида одамлар—ҳар ҳолда шу одамларнинг энг донолари — урушни ҳормай-толмай қоралаб ва лаънатлаб келдилар. Халқлар мустаҳкам тинчлик бўлишини орзу қилдилар. Аммо шундай бўлса ҳам катта ва кичик уруш ёғинларининг мудҳиш шуъалари инсоният тарихининг деярли ҳар бир саҳифасида кўриниб турибди.

Тарих сабоқлари ҳам, бир-бирини қиришга бўлган нафрат, яъни инсон учун табиийдек бўлиб кўринган шундай нафрат ҳам навбатдаги қонли урушнинг олдини ололмади. Чунки урушнинг кучи, урушдан манфаатланаётганларнинг роли ҳаддан ташқари катта эди.

Бизнинг давримизда аҳвол бутунлай ўзгарди. Ҳозирги кунда урушга қарши кураш мустаҳкам негизга—тинчлик кучларининг, демократия, халқлар озодлиги ва мустақиллиги кучларининг қудратига таянмоқда.

Конгресснинг муҳтарам қатнашчилари! 250 миллионли совет халқи номидан, унинг Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати номидан сизларни ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида гамхўрлик қилиш давлатимизнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

«Халқларга—тинчлик!»—мамлакатимиз меҳнаткашлари бундан эллик олти йил муқаддам, биринчи жаҳон уруши қизиб турган бир пайтда асосий шиорлардан бўлган мана шу шиор остида Октябрь революциясини амалга оширдилар. В. И. Ленин қўли билан ёзилган «Сулҳ тўғрисида декрет» эса жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг қонун кучига эга бўлган дастлабки ҳужжати бўлди.

Мана шу тарихий ҳужжатда Совет Россиясининг ишчи-деҳқонлар ҳукумати барча мамлакатларнинг фақат ҳукуматларигагина эмас, шу билан бирга халқларига ҳам мурожаат қилиб, давлатимиз однлона демократик сулҳга астойдил интилаётганлигини ифодалади. Уқтириб айтаманки, бу сулҳ одилона сулҳ бўлиши, демократик сулҳ бўлиши, яъни барча халқларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳурматлашга асосланган сулҳ бўлиши керак эди. Улуғ Октябрьдан кейин ўтган йилларнинг ҳаммасида биз планетамизда худди мана шундай сулҳ ва тинчликнинг тантана қилиши учун оғишмай, изчиллик билан курашиб келдик ва қурашмоқдамиз.

Фашизмга қарши олиб борилган курашда ўзининг 20 миллиондан ортиқ граждданидан жудо бўлган совет халқи уруш нималигини ва одамларга уруш қанчадан-қанча беҳисоб кулфатлар келтиришини яхши билади. Улуғ Ватан уруши биз, совет кишилари учун фақат Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлидагина олиб борилган кураш бўлиб қолмади. Бу уруш айни вақтда жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш учун, одилона тинчликни қўлга киритиш учун ҳам олиб борилган жанг бўлди. Бутун урушдан кейинги даврдаги Совет Иттифоқи мамлакати мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун ҳормай-толмай курашиб келди.

Партия XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программаси ҳозирги босқичда КПСС ва Совет давлати изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчликсевар сиёсатнинг ифодаси бўлди. Бу программани таклиф қилиш билан биз кескинлик ўчоқларини тугатишга кўмаклашишни, бостириб келаётган термоядро ҳалокати шарпасидан инсониятни қутқаришга ёрдамлашишни, кескинликни юмшатишга бутун чоралар билан кўмаклашишни ўзимизнинг вазифамиз деб билдик. Мана шу олижаноб мақсадлар йўлида, бутун меҳнаткаш инсониятнинг бахт-саодати учун енг шимариб ишламоқдамиз ва ишлайберамиз!

1.

Азиз дўстлар! Сизларнинг конгрессингиз жуда муҳим, масъулиятли тарихий пайтда тўпланди.

Янги жаҳон урушининг пайдо бўлишига қарши, мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун халқлар узоқ вақтдан бери олиб бораётган қаттиқ кураш кейинги йилларда жиддий муваффақиятлар билан якунланди.

Энг асосий муваффақият тўғрисида гапирадиган бўлсак, шуни айтмоқ керакки, қирқинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсониятга таҳлика солиб турган хавф, яъни жаҳон ракета-ядро урушининг бошланиб кетиш хавфи камая бошлади, яъни тинчликни сақлаб қолиш истиқболлари бундан ўн-ўн икки йил бурунгига қараганда яхшироқ ва ишончлироқ бўлиб қолмоқда. Бунга тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини тобора кенг эътироф қилинмоқда. Бу принциплар тобора конкретроқ мазмун билан тўлдирилмоқда, аста-секин халқаро турмушнинг ҳаммага мақбул қонунасига айланмоқда.

Жумладан, кейинги йилларда социалистик давлатларнинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан—турли иқтисодий тузумдаги давлатлар билан конструктив ҳамкорлик қилиш йўлига биринчилар қаторида ўтиб олган Франция билан, шунингдек Германия Федератив Республикаси, Италия ва бошқа бир қанча давлатлар билан муносабатларида диққатга сазовор силжишлар рўй берди. Совет Иттифоқи, Польша ва Германия Демократик Республикасининг Германия Федератив Республикаси билан тузган шартномалари бутун халқаро муносабатлар системасида яхшилик томон бурилишнинг энг аниқ кўринишларидан бири бўлиб қолди. Бу шартномалар мавжуд чегараларнинг бузилмаслигини эътироф қилишга асосланганлиги халқаро масалаларни ҳал этишда томонларнинг куч қўлланишдан воз кечиш тўғрисидаги мажбуриятларини ўз ичига олганлиги конгресс қатнашчиларига яхши маълум.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда жаҳон уруши бошланган қитъадаги, яъни, Европадаги вазиятни ҳеч шубҳасиз, яхшиликка томон ўзгартирди. Умумевропа кенгаши бу қитъада рўй берган ижобий ўзгаришларнинг яхлит ифодаси бўлди. Шу кенгашни чақириш учун қитъадаги илғор кучлар узоқ вақт курашдилар. Шу сабаби ҳам бу кенгаш чақирилганлигининг ўзи, унда Европадаги давлатларнинг деярли ҳаммаси, АҚШ ва Канада қатнашаётганлиги, Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда тинч ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари биргаликда муҳокама қилинаётганлиги —мана шу фактнинг ўзи каттагина ғалабадир.

Маълумки, кейинги икки йил ичида Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришлар рўй берди. АҚШ президенти билан 1972 йилнинг май ойида Москвада ва шу йилнинг июнида Вашингтонда ўтказилган учрашувларимиз вақтида тузилган битимлар Совет-Америка муносабатларида конфронтациядан кескинликни юмшатишга, нормаллашишга ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка ўтиш йўлини очиб берди. Биз шу нарсага ғоят аминмизки, бу нарса Совет Иттифоқи ва АҚШ халқларининг ҳам, шунингдек бошқа барча мамлакатлар халқларининг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушади, зеро халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Халқаро хавфсизлик нуқтаи назаридан муҳим бўлган Шарқи-Жанубий Осиё ва Узоқ Шарқ сингари районларда ҳам кейинги йилларда нўпгина ўзгаришлар рўй берди. Вьетнамда уруш тўхатилганлиги жаҳоншумул аҳамиятга эга воқеа бўлиб қолди. Бу —аввало қаҳрамон Вьетнам халқининг ғалабасидир. Шунингдек бу — Вьетнам халқининг одилона курашига муттасил амалий ёрдам бериб келган социалистик давлатларнинг ҳам ғалабасидир. Шу билан бирга бу Ҳинди-Хитойдаги империалистик агрессияни тўхатишга актив талаб қилиб келган барча тинчлик кучларининг ғалабасидир. Тинчлик учун курашаётган жамоатчилик доиралари Жанубий Осиёда нормал муносабатлар йўлга қўйилаётганлигини астойдил табриклямоқдалар, — мен бунда Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш сингари давлатлар ўртасидаги муносабатларни назарда тутяпман. Кўнгина соҳаларда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг Япония билан яхши муносабатлари ривожланиб бормоқда. Шу мамлакат Бош министрининг яқинда Москвага қилган визитининг якунлари буни кўрсатиб турган далилларнинг биридир.

Бир қанча уруш ўчоқлари тугатилди. Қуролланиш пойгасини чеклаш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Бир туркум муҳим халқаро ҳуқуқий битимлар тузилди ва турли ижтимоий тузумдаги давлатлар бир-бирлари билан доимий равишда сиёсий маслаҳатлашадиган бўлиб қолдилар — мана шуларнинг ҳаммаси халқаро ҳаётдаги чуқур ўзгаришларнинг кўзга яққол кўриниб турган белгиларидир. Халқаро иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорлик миқёси тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам мана шундан далолат бериб турибди. Хуллас, халқаро хавфсизлик учун курашнинг муваффақиятлари ҳаммага аён, халқлар ҳам буни қизғин табриклямоқдалар.

Ўз-ўзидан маълумки, бизлар реалистлармиз ва биз бошқа тарздаги фактларни ҳам кўрмаслигимиз мумкин эмас. Урушлар ва кескин халқаро тангликлар ҳали батамом тугатилмаганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ер юзида тажовузкорлик ҳаракатлари ҳали ҳам бўлиб турибди, халқларнинг ҳаммаси ҳам ҳали ўзини хавфсизлик ҳолатида деб ҳис қила олаётгани йўқ. Бинобарин, биз шу муносабат билан жаҳон жамоатчилигининг таниқли вакиллари бу ерда ташвишланиб айтган гапларга батамом қўшиламиз.

Аммо, агрессия ва халқларга зўравонлик қилиш ҳаракатлари илгари ҳеч қачон ҳозирги кунгидек ёппасига ғазаб, норозилик туйғусини қўзғатмаган ва уларга қарши ҳозиргидек актив ҳаракат қилинмаган эди. Илгари ҳеч қачон мана шундай ҳолларда давлат ва жамоатчиликнинг шу қадар қудратли кучлари агрессорнинг йўлини тўсиш, бошланиб кетган уруш ўчоғини ўчириш, тинчлик тиргакларини мустаҳкамлаш учун шу қадар зўр ҳаракатга келмас эди. Мана шунинг ўзи ҳам катта муваффақиятдир.

Биз шу нарсага ғоят аминмизки, «совуқ уруш» дан кескинликни юмшатиш томон, ҳарбий конфронтациядан хавфсизликни мустаҳкамлаш, тинч ҳамкорлик томон бўлаётган бурилиш ҳозирги халқаро муносабатларнинг ривожланишидаги бош тенденциядир.

Нега шундай бурилиш қилиш мумкин бўлиб қолди? Жаҳон майдонидаги кучларнинг нисбатида бўлган умумий ўзгариш бунда асосий роль ўйнаганлиги биз учун шак-шубҳасиздир. «Совуқ уруш» қуролланиш пойгаси тарафдорларининг, ҳар қандай ҳарбий авантюралар ишқибозларининг зарарига, тинчлик ва тараққиёт кучлари фойдасига ўзгариш рўй берди.

Социализм кучлари, социалистик ҳамдўстлик ҳозирги кунда рўй бераётган ижобий силжишларда ўйнаётган ролининг аҳамияти ғоят катта. Совет Иттифоқи тинчликни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун курашни ўзининг яхши дўстлари ва маслакдошлари билан — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан биргаликда олиб бормоқда. Тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишига, жумладан Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Чехословакия қўшаётган катта ҳисса бутун дунёга маълум. Социалистик Югославия тинчлик йўлида актив курашмоқда.

Монголия Халқ Республикасининг изчил тинчликсевар сиёсати Осиёда тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим омилидир. Вьетнам Демократик Республикаси Америка империализмининг қуролли интервенциясига қарши курашда жуда катта мардлик кўрсатди ва Шарқий Жанубий Осиёдаги урушнинг хавфли ўчоғини тугатиш ишига зўр сиёсий ҳисса қўшди. Корея Халқ Демократик Республикасининг Кореяни тинч қайта бирлаштиришга қаратилган таклифлари бутун дунёда кенг сиёсий ташаббус деб маъқулланди.

Революцион Куба, Латин Америкасидаги биринчи социалистик мамлакат халқаро муносабатларда тинчлик, эркинлик ва халқлар озодлиги ва мустақиллиги принципларини қарор топтирмоқ учун кўп иш қилмоқда.

Совет Иттифоқи коммунистлари, барча совет кишиларининг қардош социалистик мамлакатларга ва уларнинг принципиал ҳамда изчил тинчликсевар ташқи сиёсатига бўлган чуқур ҳурматларини конгресс минбарида туриб чин кўнгилдан изҳор қилмоқчиман.

Турли давлатларнинг раҳбарлари ўртасида бўлаётган жуда кўп мулоқотлар кейинги йиллардаги халқаро муносабатларнинг характерли белгиси бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда давлат арбобининг ҳаққий роли ва сиёсий салмоғи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш проблемасининг аҳамиятини нақадар тушунаётганлиги билан, ҳозирги замоннинг мана шу энг асосий проблемасини ҳал этмоқ учун амалда нималар қилаётганлиги билан кўп жиҳатдан белгиланади.

(Давоми 2-бетда)

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1973 йил 11 ноябрь якшанба дам олиш кунини 9 ноябрь жума кунига кўчиришга қарор қилди.

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Сив мазкур суратда кўриб турган Людмила Кузмина шаҳримиздаги «Строймеханизация» трестига қарашли 8-механизация бошқармасида тўрт йилдан буён кранчи бўлиб ишлаб келяпти. Янги биноларни жадал суръат ва юқори сифат билан қуриб муддатидан илгари фойдаланишга топширишда бу ишчан аёл муносиб ҳисса қўшмоқда.

Н. Шойноғомов фотоси.

◆ Меҳнат зафарларимиз Улуғ Октябрга

Йиллик план бажарилди

«Корхонамизга бугун кўчма Қизил байроқ топширилар эмиш» — бу хабар фабрикаминг барча цех, участка ва бригадаларига бир зумдаёқ тарқалди. Ишчилар шу муносабат билан ўтказиладиган тантанали йиғилишни орзиқиб кута бошлашди. Мана, улар кутган дамлар ҳам келди. Коллектив аъзоларига район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи қарсаклар остида топширилди. Бу мукофотдан руҳланган ҳар бир ишчи ўз участкасида янада ғайрат билан ишлаш, барча ички резервлардан самарали фойдаланишни дилига тугиб қўйди.

Нимасини айтасиз, шу ишчининг қадоқ қўллари туфайли корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораяпти, буюртмачилардан минатдорчилик хатлари тез-тез келиб турибди, ўзаро мусобақа туфайли эришилаётган ютуқлар салмоғи янада ошиб бораяпти. Ишчиларнинг эзгу мақсад йўлидаги бу интилиши муносиб тақдирланди. Коллектив райондаги корхоналар ўртасидаги беллашувда голиб чиққанлиги учун Собир Раҳимов район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Бу мукофот ишчи билакларига янгидан-янги куч -қувват бағишлади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан илҳомланган шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли кўн-галантерея фабрикаси коллективи байрамолди вахтасини кун сайин авж олдириб, ишлаб чиқаришда қувончли натижаларни қўлга киритмоқда. Ишчилар тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йили топширғинни шараф билан бажардилар.

— Вақтдан ўзиб ишлаётганлигимизнинг сири шундаки, — дейди фабрика директори Э. Маҳкамов, — йил бошиданоқ ишни ўзаро мусобақа асосида ташкил этдик. Коллективимиз аъзолари ўртасида 1973 йилги топшириқни муддатидан илгари бажариш юзасидан беллашув яхши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, биз бу йилги мусобақани куч ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда кўллаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шиори остида олиб бордик. Мана, эндиликда, биз бунинг самарасини яққол кўриб турибмиз. Биз бир зум ҳам иш суръатини пасайтирмай, улуғ байрамга муносиб армуғонлар тайёрлаймиз. Ишчиларимизнинг эзгу нияти ана шундай.

Чиндан ҳам, фабрикаминг барча цехларида шу кунларда байрам олди вахтаси тобора қизиётилятти. Ишчилар меҳнатда янги-янги ютуқларни қўлга киритишаётир. Уларнинг шу кунга қадар ишлаб чиқарган ва реализация қилган маҳсулотлари 1 миллион 692 минг сўмликдан ошиб кетди. Бу ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда анча кўпдир.

Фабрикада техника тараққиётини тезлаштириш, иш жараёнларини енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган қимматли таклифларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаётганлиги меҳнатда ана шундай зафарларни қўлга киритишга имкон берятти. Бу йил фабрикаминг ўзида янги цех ташкил этилди. Унда сунъий чармлар тайёрлана бошланди. Илгарилари ана шундай маҳсулотлар Ленинграддан олиб келинар эди. Эндилиқда, бунга ҳожат қолмади. Махсус пресс монтаж қилиниб, у сунъий чарм ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Мана шу тадбир туфайли, фабрикада галантерея маҳсулотлари тайёрлаш икки ярим баравар ошди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, корхона аҳлининг НОТ тадбирларидан кўраётган фойдаси салмоқли бўляпти. Илғорлари пойафзал цехида ковушлар пошнаси михланар эди, эндиликда уни елимлашга ўтилди. Битта НОТ планининг жорий этилиши туфайли давлат йилига 3200 сўм наф кўряпти. Фабрика коллективининг ҳал қилувчи йилдаги бундай ибратли ишларидан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Партия ва хукуматимизнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори асосида меҳнат қилаётган ишчилар орасида вақтдан ўзганлар кўпчиликни ташкил этади. Фабрикаминг Р. Туропова, З. Соипова, О. Маҳмудов, П. Холматов сингари фидокорлари 1975 йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқдалар. 17 ишчи эса календарда янги йилни қаршилаб олди.

Партиямиз XXIV съезди Директивларида маҳаллий саноат ходимлари олдига ҳам тўққизинчи беш йилликда улкан планларни амалга ошириш вазифаси қўйилган. Шаҳримиз маҳаллий саноатчилари, шу жумладан, кўн-галантерея фабрикасининг меҳнатсевар коллективи ана шу режаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоқда. Фабрика уч хил маҳсулотининг Польшадаги халқаро ярмаркада намойиш этилиши ишчилар яратаётган маҳсулотларга юксак баҳо берилаётганлигининг яна бир далилидир.

С. БОҚИЕВ.

РЕПОРТАЖ

Пахтазор марду-майдонлари

(Боши 1-бетда).

— Эски қадрдонларимиз — Тошкент олий ўқув юртларининг студентлари яна бизга ёрдамга келганлиги жуда муҳим, — дейди биз билан суҳбатда Пахтакор район партия комитетининг секретари В. Насриддинов. — Ҳозир бизда транспорт, политехника институтларининг кўпгина билим юртлари ва техникумларининг студентлари пахта теришяпти. Биз улар билан мустаҳкам алока ўрнатганмиз. Мустаҳкам дўстлик бизга далаларда меҳнатни ташкил этиш, социалистик мусобақа, шунингдек таъминот, маданий хизмат масалаларини осон ҳал этишга имкон беради. Районнинг дала шийпонлари бўйлаб кичкина кутубхонаси, янги газеталари, аптечкаси бўлган агит машина йўлга чиқди. Кўчма дўконлар студентларга зарур бўлган озиқ-овкат маҳсулотлари ва саноат молларини тўғри даланинг ўзига олиб боради.

Шундай кўчма дўконларнинг дастлабкисини биз Тошкент политехника институти студентлари меҳнат қилаётган Дўстлик районидаги Саркисов номли совхозда кўрдик. У пахтакорларга консервалар ва баққолчилик маҳсулотлари, пойафзал ва коржомалар олиб келганди. Совхоз директори Умурзоқ Маматқулов кўчма дўконнинг маршрутини шахсан ўзи белгилаб берди. Бу хўжалик раҳбарининг шу кунларда қилаётган минглаб юмушининг биттасидир.

Совхоз директори билан бирга ТошПИ штабига келдик. Бу ер жуда гавжум. Штаб бошлиғи Павел Константинович Ратчук барча масалаларни оғишмай ҳал қилаяпти.

Ўзингиз тушунасиз — совхоз кўриқ ерда жойлашган, — деб мурожаат қилди у хўжалик бошлиғига, совхознинг олисдаги 13 а, 13 ва 15-бригадаларига яна битта кўчма дўкон керак бўлиб турипти. Транспортни ҳам кўпайтириш керак.

— Яхши, бу масаларни ҳал қиламиз, — деб ишонтирди оталиқдаги хўжаликнинг раҳбари.

Катта автомобиль йўлидан бориб биз Дўстлик районидаги Ленин номли совхозга қайрилдик. Мана беш йилдирки, бу ерга республика тил ва адабиёт институтининг студентлари ва ўқитувчилари келишаяпти. Шуни айтиш керакки, кўп йилларидан бери бу хўжаликка яқинда бахтсиз тасодиф туфайли ҳалок бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов бошчилик қилиб келарди. Бу кишининг юксак ташкилотчилиги, самимийлиги ва мардлиги туфайли институт ва қўриқ совхоз ишчилар коллективи ўртасида мустаҳкам дўстлик мусобақаси юзага келди. Мамажон аканинг ўзи студентлар ҳузурига тез-тез келиб, йиғимтеримда ёрдам кўрсатаётганлари учун уларга раҳмат айтиб кетар эди. Бунга жавобан студентлар совхоз далаларида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Мана бугун ҳам студентлар совхозга институт ректори, академик, филология фанлари доктори Виктор Васильевич Решетов бошчилигида 1,5 мингга яқин кишиси бўлиб келишди. Шуни айтиш керакки, «меҳнат семестри»нинг ҳозирги қизғин кунларида институтнинг бутун раҳбар состави — профессорлар, кафедра раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари вакиллари ҳам шу ердадир. Уларнинг ғамхўрлиги туфайли совхоз шифохонасида Тошкентдан медикларнинг катта отряди келиб ишлаяпти. Улар ҳаммаси студентларнинг далаларда юксак унум билан меҳнат қилишига ёрдам бераяпти.

Совхоз олис участкаларидан бирига институт ректори Виктор Васильевич Решетов билан бирга бордик.

— Йигит-қизларимиз қандай яшаётганликлари билан танишинг, — деди у бизни шинам хоналардан бирига олиб киргач, — бу ерда маниий факультет студентлари яшайди.

Хонани кўздан кечирдик, студентлардан қандай меҳнат қилиб, дам олаётганликларини сўрадик.

— Ҳаммаси жойида! дейишди қизлар, — овқатларимиз сифатли, тез-тез кўчма дўкон келиб туради. Бугун эрта кино ҳам келади. Марҳамат, дастурхонга ўтиринг, борш ичинг...

Суҳбатимиз охирида биз студентларнинг талабини катта қониқиш билан бажардик — энг илғор теримчиларнинг фамилияларини ён дафтаримизга ёзиб олдик. Булар У. Маралиева, Ҳ. Қўчқорова, М. Асадова, Л. Умархўжаева ва бошқалардир. Студентлар ҳар куни ўртача 50 килограммдан пахта теришяпти.

Дарвоқе, бу рақам кўпгина олий ўқув юртлари ва техникумлар учун хос бўлган ўртача кўрсаткичдир. Бу маррани фақат йигит-теримда юксак уюшқоқлик кўрсатаётган ТошМИ студентларигина ортда қолдирдилар.

Тошкент Давлат университетининг студентлари илгаридан ўзларининг шонли анъаналари билан машҳурдирлар. Бу ерда — зардоб меҳнат фронтида ҳам улар медицина институтидан кейин иккинчи ўринда бораяптилар.

ТошДУ штабида (унинг бошлиғи академик Умид Зоҳидович Азизов) бизга, жуда кўп янгиликларни маълум қилишди. Барча факультетларда зардоб отрядлар ташкил этилган. Унга студентларнинг энг онгли ва интизомлилари танлаб олинган. Бу отрядларнинг дастлабки иш натижалари ғоят қувонарли бўлди. Бундай отрядларга кирган теримчининг — нормаси умумий студентлар коллективи нормасидан анча юқори бўлади. А. Ғозиев, Б. Қодиров, Ш. Муҳамедов, С. Каримов, Т. Давидов сингари теримчилар ҳар куни 100 килограммдан 200 килограммгача етказиб «оқ олтин» термоқдалар. Дастлабки кунларда ТошДУ штаби турар жой, сув таъминоти транспорт билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларни ҳал қилди. Унга бошқа штаб — республика пойтахтининг Собир Раҳимов райони штаби ҳам қўшилди. Унинг вакили — «Миконд» заводи партия комитетининг секретари А. Сергеев кўпгина долзарб масалаларни, жумладан, сув таъминоти масаласини ҳал этишда катта ташкилотчилик кўрсатди. Бугун-эрта Мирзачўлга Тошкентдан қўшимча сув ташийдиган машиналар келтирилади, сўнгра дала шийпоналарининг сувга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Тошкентлик студентлар ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Фақат 21 октябрнинг ўзида бир кунда тошкентлик студентлар отряди 4 минг тонна пахта териб, ишланган ҳақни Москвада очилган тинчликсевар кучларнинг конгресси фондига ажратдилар.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи... Унинг мустаҳкамлиги бутун куч ва имкониятларни, юксак коммунистик онгликни талаб қиладиган мана шу долзарб кунларда намоён бўлади. Шуни ҳақли равишда айтиш мумкинки, тошкентликлар меҳнати ҳозир беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилининг катта ҳосили учун курашда зарбдор вахтада турган бутун республика меҳнатига қўшилади.

Р. ГАЙДАРОВА,
«Тошкент оқшоми» махсус мухбири.

Шаҳримизнинг Луначарский кўчасида қад кўтараётган кўп қаватли янги бинолар шаҳар қиёфасига ҳусн қўшмоқда.

СУРАТДА: шу кўчада қурилган янги турар жой биноси. М. Нуриддинов фотоси.

ОШКОРА, ЯҚҚОЛ ТАҚҚОСЛАСА БЎЛАДИ

Тракторсозлар эрталаб ишга борар экан, завод дарвозасидан кираверишда нурланиб турган экранлар ва ранг-баранг стендлар ёнидан ўтаётганларида қадамларини секинлатадилар — кеча меҳнат мусобақасида қайси цех пешқадам бўлганлигини билишга ҳар ким ҳам қизиқади. «Молния» варақаларидаги ишчиларга энг яхши смена, бригада тўғрисида дарак бериб туради. Бошқа бир стендга қараб ўзингизнинг иш натижангизни мусобақадош ўртоғингизнинг натижалари билан таққослаб баҳо беришингиз мумкин.

Кўчма Қизил байроқни қўлга киритган биринчи йигув цехининг коммунистик меҳнат коллективи ҳамиша муваффақиятга эришиб келмоқда. Коммунистлардан С. Муродов ва Ю. Худойберганов бошлиқ прицепларни йиғиш участкалари бош конвейерда ўзларини муносиб мусобақадошлар сифатида кўрсатиб, ҳар икки коллектив ҳам топшириқларни ошириб бажармоқда. Бу коллективлар буюмларни йиғиш сони жиҳатидангина эмас, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ҳам биринчи ўринга чиқиб олди.

Хўш, бунга қандай қилиб эришилди? Бу ҳақда завод радиоси орқали батафсил ҳикоя қилиб берилди. Навбатдаги кенгайтирилган планерка ана шу иккинчи сменанинг мусобақаси қандай бораётганлигига бағишланди. Бу ерда ҳаммаси бошқа участкаларнинг ишчилари учун ҳам ибратли бўлди. Улар С. Муродов сменаси эришган муваффақиятларга ишчилар бир-бирларининг ўрнини босиб ишлаганликлари, участкаларни комплект буюмлар билан ўз вақтида таъминлаб турилганлик сабаб бўлганлигини билиб олишди.

Технолог А.П. Шалимов бошчилик қилаётган биринчи цех партия бюроси мусобақа натижаларидан ҳамма хабардор бўлиши учун турли формаларда фойдаланмоқда. Шу тариқа цехдаги ҳар бир меҳнат ғалабаси тезда бутун коллектив мулкига айланишига эришилмоқда. Бу ерда олинган мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари тўғрисида ишчиларга кенг хабар бериб турилади. Коллективнинг меҳнат шон-шарафи тўғрисидаги ҳужжатлари цехда муқаддас ёдгорлик сифатида авайлаб асралади. Беш йиллик бошлангандан буён эришилган муваффақиятлар учун цехга топширилган гувоҳномалар ва ёрлиқлар яхшилаб безатилган катта стендларга ўрнатиб қўйилган. Энг яхши ихтирочилар ва рационализаторлар тўғрисидаги ахборотлар махсус вестникларда эълон қилинади, янгиликлар, иқтисодий самаралар ҳам ана шу вестникда тавсифлаб берилади.

Цех партия ташкилотлари мусобақани кенг авж олдириш учун маънавий ва моддий рағбатлантириш йўлидан ҳам фойдаланмоқдалар. Автомат цехи хўжалиги улкан корпусда қулоч ёзган. Бу коллектив кўп ойлар мобайнида сурункасига юксак ўринни эгаллаб келмоқда.

Участкалардан бирининг тепасида машҳур созловчи, Мамажон Тешабоев шарафига вимпель ўрнатиб қўйилган. Унинг номи заводдан ташқарида ҳам машҳур. Мамажон Тешабоевга турдош корхоналарнинг Бутуниттифоқ мусобақасида касбининг энг яхши устаси деган унвон берилган. У шу заводда 14 йилдан бери ишлаб келяпти. Пешқадам тракторсоз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Мамажон Тешабоев эришган муваффақиятларининг сирини заводнинг бошқа участкаларидаги ишчилар ҳам билиб олишди. Агитаторлар партия ташкилотнинг топширғига мувофиқ М. Тешабоев ўрта мактабни тамом қилганидан кейин дарҳол дастгоҳ ёнига қандай келганлиги, касбикорни бир ўзигина аъло даражада ўзлаштириб қолмай, бошқа кўп кишиларни ҳам тракторсозликка ўргатганлигини ҳикоя қилиб бердилар.

Завод партия комитетида меҳнат мусобақаси натижаларидан ҳамманинг хабардор бўлиб туришига катта эътибор берилмоқда. Партия комитетининг маъмурият фаолиятини назорат қилиб турадиган комиссияси, цех партия бюролари бунга ҳамиша текшириб туради. Илғор иш усуллари мактаблари, новаторларни меҳнат ғалабаси билан табриклаб турадиган плакатлар ва варақалар, «Олға интилувчилар» тўркумидаги, портретлар цехларнинг кундалик ҳаётига сингиб кетди.

Р. ГРИШИН,
ЎзТАГ мухбири.

КОММУНИСТЛАР ҲИССАСИ

«Чарвакгэсстрой» коммунистлари ўз партия комитети уч йил давомида қилган ишининг ҳисоботини муҳокама этдилар. Уларнинг меҳнатдаги шахсий намунаси қурилиш-монтаж ишларини анча ошириб бажаришга ёрдам берди. Топширикда белгиланганидан икки ярим баравар кўп кварти ра фойдаланишга топширилди. Сув омбори соҳилида ўз дам олиш зонаси барпо этилди. Эришилган муваффақият учун СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи икки марта коллективга берилди.

Коммунистлар ГЭС қурилишини муваффақиятли тугаллаш учун ишнинг барча участкаларига таъсирни кучайтириш ҳақида янги партия комитетига асосий наказ бердилар.

(ЎзТАГ).

◆ Америка манзаралари

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Нобель мукофотлари берилди

СТОКГОЛЬМ. Швеция қироллик фанлар академияси химия бўйича 1973 йилги Нобель мукофотини органик химия соҳасидаги энг янги кашфиётлар учун профессор Эрнст Отто Фишерга (Германия Федератив Республикаси) ва профессор Жефри Уилкинсонга (Англия) беришга қарор қилди.

ПРАГА МЕТРОСИ УЧУН

ПРАГА. Чехословакиянинг Тисадаги Чиёрна метросозлари Совет Иттифоқидан одатдагидан бошқача ки — Прага метроси учун 6 та зангори вагон олдилар.

Яна бир неча кундан кейин бу вагонлар Чехословакия пойтахтига келтирилади.

Чиёрнага келтирилган вагонлар Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилаётган Прага метроси учун СССРдан юборилади ган вагонларнинг биринчи туркумидир. Яқин орада Чехословакияга яна Совет Иттифоқида ишланган ўнлаб вагонлар юборилади.

1974 йил 1 январдан бошлаб Прага метрополитени линияларида синаб кўриш учун қатновлар бошланади, келгуси йил июль ойида эса зангори поезд пассажирларни мунтазам таши бошлайди.

Филиппин ҳукуматининг чоралари

МАНИЛА. Филиппин президенти Фердинанд Маркос ерни ижарага олиб ишлаб турган кишиларни ер эгалари мана шу ер участкаларидан ҳайдаб юборишини тақиқловчи декретни имзолади. Бу декрет қишлоқ хўжалигидаги феодаллик ва ярим феодаллик муносабатларнинг қолдиқларини тугатиш мақсадида мамлакатда ўтказилаётган ер ислоҳотининг муҳим қисмидир.

Президент ерни ижарага олиб ишловчи фермерлар вакилларининг йиғилишида гапириб, ҳукумат фақат хусусий ерларнигина эмас, шу билан бирга давлатга тегишли ерларни ҳам фермерларга тақсимлаб бериш йўли билан ер ислоҳотини кенгайтириш лойиҳасини кўриб чиқмоқда, деди.

(ТАСС).

Ҳар беш қишидан бири қутқазилди

Мен ўз автомобилимни юргизиб, урнимдан қўзғалиб кетмоқчи бўлганимда зуммернинг ёқимсиз визилдаган товуши эшитила бошлайди. Ўлафсизлик камарларини боғлаб олинг, деб эслатиб туради. Бу визилдашни эшитиб бориш асабга тегади. Шу сабабли камарларни итоаткорлик билан боғлаб оласиз ва ҳалиги товуш тугайди.

Америка автомобилларида хавфсизлик камарлари 1964 йилдан буён маҳжуд. Лекин машина эгалари ундан фойдаланишни ёқтирмайдилар. Шунинг учун ҳам бу йил ишлаб чиқарилган автомобилларга зуммерлар қўйилди. Бироқ машина эгалари ҳам қийлагар. Улар камарларини утиргичларга боғлаб қўядилар ва алданган зуммер жим туради.

1974 йилда қансар машина эгалари билан курашиш янги даврга киради — машиналарга мураккаб блокировка системаси ўрнатилади. Бу машина агар ҳайдовчи камарларни боғлаб олмаса юрмай қўяди. Машина юриб бораётганда эса камарларни очиб қўйиш мумкин, двигатель ишдан тухтамайди. Лекин юқорида таъкидлаганимиз зуммер ишга тушади... Ундан ташқари жилтилдовчи чироқ уланади. У қулоққагина эмас, кўзга ҳам таъсир кўрсатади.

Буларнинг ҳаммаси нима учун қилинаяпти?

Йилларда ҳалок бўлаётганлар сони ҳали ҳам кўп — йилига 58 минг киши ўлади. АҚШ транспорт министрлигининг ҳисоблашича, хавфсизлик камарлари жорий этилиши натижасида кишилар ўлими билан тугаданган автомобиль ҳалокатларининг сони камайган.

1973 йилда шунақа камарлар ёрдамида ҳар беш ҳайдовчидан бири қутқазиб қолинган. Жамоатчилик фикрига мурожаат қилинио олинган жавоблар кўпи билан 30 процент ҳайдовчигина бундан камарлардан фойдаланаётганлигини кўрсатди.

Пойгадаги қалбакилиқлар

Бор-йўғи 3 доллар қўйиб 110 минг доллар ютиб олишдан ким бош тортади, дейсиз? Нью-Йорндаги уч шаҳар ипподромида ҳали яқиндагина бунга бахт янги «суперфест» системасида ўйновчиларга мулсар бўлиши мумкин эди. Бунда ўйновчилар пойгада қатнашаётган саккиз аравадан маррага келиб етган тўрттасини ва уларнинг ҳам маррага келиб етиш тартибини олдиндан билиб айтиши керак. Бу иш осон эмас. Лекин... пойгачиларнинг сиз хоҳлаган тартибда маррага етиб келишлари ҳақида улар билан тил бириктирилса бунга эришиш мумкин.

Яқинда полициячилар катта суммадаги билетларни тез-тез кўрсатадиган аёлни пайқаб қолишди. Бу сирли нотаниш аёл бўнчалик омадли бўлмаса керак, деб ўйлашди улар. Ҳақиқатан ҳам нузатишлар натижасида унинг пойгачилар билан воситачилар орқали тил бириктирганлиги маълум бўлди.

Газеталар навбатдаги бу жанжални шарҳлаб, Америкадаги бизнес олами ана шу йўл билан яшаяпти, алдамасанг — сотаолмайсан, алдамасанг — ютаолмайсан, деб эслатиб қўйди.

Шаршара билан ҳазиллашманг

Ниагара шаршарасининг қудрат билан пастга отилиб тушиши киши тасаввурини ҳайратда қолдиради. Лекин бу шаршара сувнигина эмас, катта фойда ҳам олиб келади — бир йилда бу ерга 10 миллиондгача турист келиб кетади. Бундан жуда илгари, 1903 йилда Франция императорининг унаси Жозеф Бонапарт ўз қаллигини шу ерга олиб келганди. Шундан буён маҳаллий меҳмонхоналар куёв-келининг уйлангандан кейинги биринчи ойида уларга хизмат қилишга ихтисослашмоқдалар. Меҳмонхоналар, томоша қилиш миноралари, совғалар билан савдо қиладиган дўконлар, осмонда рекламалари яқиқяётган пиёвохоналар ва бошқа савдо, сотиқ муассасалари орқасида қолиб кетган шаршара баъзан ғариблардек, беғоналдек, гўё ўз ўрнида эмасдек кўринади.

Ёндирилган лампага ёпишаётган майда чивинлардек бу табиат мўъжизасига ёпишган фирма ва фирмачалар бу лампа ўчиб қолмаса эди, деб ташвишланмоқдалар. Улар шаршарага кўнгилдагидек буюмларни бахш этадиган «косметик операция»лар ўтказиш лойиҳаларини илгари сурмоқдалар.

Шаршара моделларда қайтадан яратилди ва уни «операция» қилишнинг мумкин бўлган ҳамма воситалари ўрганиляпти. Мисол учун, «Осириса ибодатхонаси» деган вариант шаршара этагида Одесса портига чиқиладиган зинапояни эслатадиган бир нарса қилишни кўзда тутади. Бунинг устига шаршаранинг Америкадаги қисмини вақтинча тўхтатиб, сувини «айланиб ўтиб» Канада қисмига қуйиладиган қилиб қўйишди. Бундан кузатилган мақсад дарёнинг ўзанини яхшироқ ўрганишдан иборат. Хуллас, бу масалани ўрганиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ бир ярим миллион доллар пул сарфланди.

Мутахассислар табиат кучлари билан ҳазиллашманглар, кишининг унга аралашуви қандай оқибатларга олиб келишини билиш қийин, деб жиддий огоҳлантириб туришибди. «Нью-Йорк таймс» газетаси эса шаршаранинг ташқи кўринниши ҳақида эмас, балки шаршара атрофидаги шаҳарлардан оқизилаётган ифлос сувлардан нафаси бўғилаётган бечора Ниагара дарёси ҳақида ўйлашни таклиф этди.

Г. ГЕРАСИМОВ,
АПН мухбири.
Нью-Йорк.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАКТАБ

ГАВАНА. Кубанинг Камагуэй вилоятида қишлоқ хўжалиги учун механизаторлар тайёрлайдиган «Сабиноп милиан» мактаби очилди. 500 га яқин тингловчи шакар қамиш ўрадиган комбайнлар ва тракторларни ҳайдаш, уларга хизмат кўрсатиш малакаларини эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги механизаторлари тайёрлаш мактаблари ва курслари Кубанинг деярли барча йирик қанд заводлари ҳузурида очилади, чунки хилма-хил ва мураккаб техника, шу жумладан Совет ва Куба инженерлари биргаликда яратган «КТП-1» комбайнлари мамлакат далаларида тобора кўплаб пайдо бўлмоқда. Бундай комбайнлар Леберецкдаги Ухтомский номли заводда ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозир Кубада навбатдаги шакар қамиш ўримйиғимига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шу мавсумда шакарқамиш ўрим-йиғимини механизациялаштириш даражасини янада юксалтириш кўзда тутилади. Масалан, Камагуэй вилоятининг баъзи районларида бутун шакарқамиш ҳосилининг қариб ярми машиналар ёрдамида ўриб олинади.

(ТАСС).



Социалистик ҳамдўстлиқдаги мамлакатлар билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик руминиялик кемасозларнинг кўплаб юкларни кўтараоладиган замонавий кемалар қуриш тажрибасини ошира боришига ёрдам берятти.

СУРАТДА: Галацдаги кемасозлик корхонасида. Ажерпресс — АПН фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИ

Ўз—ўз ўйганиб доно бўлуғ...

★ Ҳақиқат ва тўғриликни севгувчи одам доимо виждонининг фармонига итоат қилишдан юз ўгирмайди ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди.

★ Виждон — ақлнинг қон томири, бу томир ўзининг ўриши билан ҳар вақт яхши ва ёмондан бизни хабардор этиб туради.

★ Мағрурлик ва бепарволикдан кўра эҳтиёткорона ҳаракат қилиш инсонга зўр фойда бахш этади.

★ Маъносиз, пойма-пой сўзлашга моҳир бўлишдан кўра сукут қилишни билиш нодир фазилатдир.

★ Ҳар бир бўлар-бўлмагур нарсага таажжубланавериш жоҳиллик белгисидир.

★ Бир донишманддан: «Одамлар сўзлари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?» деб сўрадилар.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Бу жиҳатдан одамлар тўрт туркумга бўлинадилар. Биринчи туркумдагилар: бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадилар. Бу — гўзал сифатли одамлар одати. Иккинчи туркумдагилар: сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб, ишларини кўнгилдагидек дўндирадилар. Бу — жўвонмардлар одати. Учинчи туркумдагилар: оғизни кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайдилар. Бу — мунофиқлар меваси ва ҳийлакорлар ишидир. Тўртинчи туркумдагилар сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу ҳасис ва пасткаш одамлар хислати.

* * *

★ Ҳасад — энг ёмон хислатлардан бири, бу иллат ҳўлу-қуруқни баробар ёндирадиган оловдир. Ҳасад иллатига мубтало бўлган одам бошқаларнинг бахт-саодат ва шодликларини кўролмай, ғамгин бўлиб юради, уларнинг роҳати уни азобга дучор этади. Ҳасадчи, ҳатто ўзига бошқаларнинг яхшилик қилишларини ҳам истамайди. Бунга бир мисол:

Ривоят этишларича, уч киши бир-бирлари билан топишиб, бошқа бир шаҳарга сафар қилдилар. Йўлда сафардошларнинг ёши улуғроги ўз ҳамроҳларининг биридан:

— Сиз нима учун ўз уйингизни ташлаб, сафарни ҳавас қилдингиз, нега ватан роҳатидан кечиб, сафар меҳнатини ихтиёр этдингиз,— деб сўраган эди, ҳамроҳи деди:

— Мен турган жойдаги одамларнинг роҳатда яшаётганларини, бир-бирларига қилган ҳайр-эҳсонлари ва ёрдамларини кўролмай, ҳасаддан ичим ёнарди. Бошқа шаҳарга бориб, бир неча кун роҳатланиб қайтиш нияти билан сафарга чиқдим.

Бошқа икки ҳамроҳ ҳам шу фикр билан сафар қилганларини айтдилар.

Бу уч ҳасадчи чўлу-биёбонларни кезиб борардилар. Йўлда бир ҳамён олтин топиб олдилар. Ўзаро кенгашиб, олтинларни баробар тақсим қилиб олиб, уйларига қайтмоқчи бўлдилар. Лекин буларнинг ҳасад томирлари ҳаракатга келди, бириси иккинчининг олтин олишига рози бўлмади. Улар бир кеча-кундуз жанжаллашиб, бирор натижа чиқара олмадилар!

Эртаси кун эрталаб ўз хизматчилари билан ўтиб кетаётган шаҳар ҳокими буларнинг ёнига етиб келиб, жанжалларининг сабабини сўради: Ҳасадчиларнинг ёши улуғи ҳокимга бутун воқеани баён қилгандан кейин айтди:

— Олтинларни тенг баробар тақсим қилиб олишга рози бўлсак ҳам, ҳасадимиз бунга йўл қўймайди. Энди сиз тақсим қилиб беринг, ҳар қайсимиз ўз ҳиссамизни олиб, уйимизга кетайлик. Бирга ҳамроҳ бўлиб кетсак, яна гавго кўтарамиз.

Ҳоким таажжуб қилиб:

— Ҳар қайсингиз ўз ҳасадингизнинг қайси даражада эканини сўзлаб беринг, мен ҳасадингиз меъёрига қараб олтинларни тақсим қилиб бераман,— деди.

Ҳасадчилар рози бўлдилар. Улардан бириси айтди:

— Бировга бирор нарса беришни, хайр-эҳсон қилишни асло истамайман, чунки у киши менинг берган нарсамдан хурсанд бўлиши аниқ, унинг хурсанд бўлишини кўролмайман, ҳасад қиламан.

Иккинчи ҳасадчи айтди:

— Сен яхши киши экансан, ҳасаддан баҳранг йўқ экан. Мен эса бирон бировга эҳсон қилиб бирор нарса берса, шуни кўролмайман.

Учинчи ҳасадчи айтди:

— Иккковингиз ҳам ҳасаддан бебаҳра, бенасиб экансиз, ҳасадчи деб мени айтса бўлади. Бирон бошқа кишига эмас, ҳатто менинг ўзимга бирор нарса эҳсон қилса, шуни кўролмай ҳасад қиламан.

Ҳоким уларнинг сўзларидан ҳайрон бўлиб айтди:

— Ҳасадларингизнинг даражасини англадим, энди бу олтинлар сизларга ҳаромдир. Ҳасадларингизнинг меъёрига қараб сизларни бошқача. мукофотламоқчиман. Ўзи бировга эҳсон қилишни кўролмаган биринчи ҳасадчини обу-озиқ бермасдан чўл-биёбонга ҳайдаб юборамиз. Иккинчи ҳасадчи, бирон бировга эҳсон қилса кўролмас экан, уни тезроқ бу дунёдан жўнатиб, ҳасад азоб-уқубатидан бечорани қутқазамиз. Учинчи ҳасадчи, ҳатто ўзига ҳам эҳсон қилинишини тиламас экан, бу ҳасадчини турли азоб-уқубатга сазовор қилиб, кўп вақт қийноқ овқатини едириб у дунёга сафар қилдирамиз.

Ҳоким ҳасадчиларга бериладиган жазо мукофотларини тайин қилгандан кейин, биринчи ҳасадчининг кийимларини ечиб олиб, сув ва озиқ-овқат бермай чўл-биёбонга ҳайдаб юборди.

Иккинчи ҳасадчининг дарров бошини кесиб, уни ҳасад аламидан қутқаздилар. Учинчи ҳасадчини баданига заҳар суртиб, жазирама офтобга қўйдилар, у фарёд-фиғонлар қила-қила ҳалок бўлди.

Шундай қилиб, уч ҳасадчи ҳасад шумлигидан ҳалокатга эришди.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

Ўзбекистон мевалари

● Ноз—неъматлар

Ўзбекистонимиз д а субтропик ўсимликлар асосан Денов шаҳрининг Юқори Сурхон, Товоқсой территориясида ривожланган. Бу ерда 1935 йили илмий-текшириш станцияси барпо этилганди. Сурхон Товоқсойи шимолда 3500—4600 метр баландликда Ҳисор тоғлари билан ўралган, бу ерга совуқ ҳаво оқимлари деярли етиб келмайди. Бу массивда субтропик ўсимликларни: шакарқамиш, ингичка толали пахта, апельсин, лимон ва бошқаларни етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Айниқса, шакарқамиш Сурхондарё водийси иқлимига мослашган. У жуда қизиқ характерга эга, чунки бу ўсимликни Деновдан 30—40 километр шимолда экса ўсмайди, чунки бу ерда ёғин етарли — 360 миллиметр, қиш совуқ ва баҳор кеч келади, жанубда эса, унинг тескариси — қиш илиқ, баҳор ўз вақтида келади — лекин ёғин етмайди (120 миллиметр) шунинг учун, у бу ерда ҳам ўсмайди. У фақат Денов атрофида ўсиб, ҳосил беради.

Ҳозирги вақтда шакарқамиш Денов шаҳар атрофидаги йирик плантацияларда ўстирилмоқда. Шакарқамишни экиш учун унинг пояси бўлак-бўлак қилиб эгатга қўйиб чиқилади, униб чиқандан кейин тез-тез сув берилади.

Шакарқамишни и н г бўйи 4 метр, поясида 12 бўғин бўлади. Унинг поясида 8—12 процент шакар бор. Ундан хушбуй ва мазали ичимлик—ром тайёрланади. Етиштирилган хом ашё Денов шаҳридаги ром заводига тушади, бу завод СССРда яккаю-ягона ҳисобланади. Бу станцияда совет селекционерлари томонидан «Ўзбекистон» ва «Совет қамиши» навлари етиштирилди. Улар ҳозирги вақтда ҳар гектардан 1000 центнер ҳосил бермоқда.

Денов субтропик станциясида СССР ва чет мамлакатлардан келтирилган янги ўсимлик навлари, уруғлари ўстирилади ва уларнинг шу ер табиатига мослашиши ва яшаш шароитлари ўрганилади.

Юқори Товоқсой массиви атрофидаги 1800 метр баландликдаги бир неча юз гектар ерга анжир, хурмо каби дарахтлар экилган.

Бу ўсимликларнинг ёввойи навлари Сурхонтоғга яқин ерларда кўп учрайди.

Денов илмий-текшириш станциясида анжирнинг 40 ва анорнинг 90 нави синалмоқда. Бундан ташқари, бу ерда Хитой ва Японнядан келтирилган мой совун ва қоғоз дарахтлари ўстирилмоқда. Шунингдек ширин картошка, каучук, камфора берадиган дарахтлар етиштирилаяпти. Дастлабки йилларда илмий-текшириш станциясида Қора денгиз бўйидан, Кавказдан, Ўрта ер денгизи мамлакатларидан, Австралия ва Кичик Осиё, Хитой ва Японнядан келтирилган кипарис, ширамидал кипарис, размарин, мелия аллеи, қарағай, эквалит дарахти, япон сафораси, непак акацияси, эрон лилияси, пекан, лимон, кавказ хурмоси, шарқ хурмоси ва бошқалар кўпайтирилмоқда.

Ҳозирги вақтда водий хўжалигида хурмозор 70—80 гектар ерни ташкил этади. Илмий текшириш станциясида хурмонинг 23, бодомнинг 24, олманинг 72, анорнинг 100, беҳининг 16, нокнинг 52 хил новдалари ўстирилмоқда. Ҳозирги кунда ҳар гектар ердан 3—8 тонна анор, 20 тонна хурмо ҳосили олинаяпти. Булардан ташқари, апельсин, лимон ва шакарқамиш ҳосили яхши бўлмоқда.

Шакарқамиш — бу, тропик ўсимликдир, унинг Ватани Ҳиндистондир. У бу мамлакатда 3 минг йил илгари етиштирилган. Ҳиндистонда 2 марта гуллаб ҳосил беради. Шакарқамиш кейинчалик Покистон, Индонезия, Бирма, Япония, Куба ва бошқа мамлакатларда ҳам ўстириладиган бўлди. Биздаги шакарқамиш иссиқлик етишмаслиги натижасида апрелда экилиб, ноябрда йиғиб олинади (яъни 7—8 ой ичида). Шунинг учун у бир марта ҳосил беради. Лекин шунга қарамай, бу ерда цитрус ўсимликлари етиштириши ривожлантириш кейинчалик Ўзбекистон шаҳарлари ва бошқа республикаларни лимон, апельсин билан таъминлаш проблемасини қисман ҳал этади.

Ш. ЭРГАШЕВ.

СУРАТДА: Илмий текшириш станциясида илмий ходим Л. Прима шакарқамишнинг бўйини ва шакар процентини аниқламоқда.

«Мен пахтакор бўламан».

Р. СОЛИЖОНОВ фотоэтюди.

ҚУВНОҚ САТРЛАР

ЯНГИЛИК АХТАРИБ

ЭР:— Нега энди бу ердан кўчамиз деяпсан? Ахир, бундан икки йил олдин бу жой сенга жуда ҳам ёққан эди-ку!

ХОТИН:—Ҳа, аммо икки йилдан бери фақат шу қўшнилар ҳақида гийбат қилавериш жонимга тегди.

ҲУСН ҚАРИДИ

Бир неча йилдан сўнг иккн ўртоқ учрашиб қолдилар.

— Сенинг хотининг ҳалиям чиройлими?— деб сўради бири.

— Ҳа, аммо энди бу унинг кўпроқ вақтини олаяпти,— жавоб берди бошқаси.

НОМЕРЛИ МИЛТИҚ

— Милтиғингизни тозалаш учун биринчи галда нима нимадан бошлайсиз?— деб сўради сержант солдатдан.

—Унинг номерига қарайман.

— Номерига, — ҳайрон бўлиб сўради сержант. — Нима учун?

— Янглишиб бировнинг милтиғини тозалаб қўймаслик учун, сэр!

ГУНАФШАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

● Ўсимликлар тили

Ғиёсиддин ЖАЗОИРИЙ

▲ Гулим ҳайвонлар заҳарини кесади. ▲ Ёғим уйқу келтиради. ▲ Ракни даволашда ҳиссам бор. ▲ Тери куйганда мендан фойдаланинг.

Гунафшанинг юздан ортиқ тури бор. Аксари вақт у фақат, зийнат гули сифатида боғчаларга ва хиёбонларга экилади. Улардан энг машҳури «Гули бинафша» ёки «Ҳидли бинафша» деб аталади ва дори-созликда ишлатилади.

Менинг форсча исмим «Гули бинафша», арабчаси эса, «Фарфиз»дир. Мен тоғларда ва дарахтларнинг остида ўсаман. Менинг энг яхши навимни Эльбрус тоғларидан, дарёлар қирғоғидан топишингиз мумкин.

Мен сафрони ҳайдайдиган энг яхши сургиман. Хусусан, сафро меъда ва ичакларда тўпланиб қолганда яхши фойда қиламан. Чанқоқни ҳам қондираман, қон босимини пасайтираман, кучли иситмани бартараф қиламан.

Гулим уйқу келтиради, яллиғланишни тузатади, бош оғриқ, йўтални қолдиради. нафас олиш йўлини юмшатади, томоққа наф қилади. Пешобнинг қизиши ва куйдириб чиқишини йўқотади. Мени пешоб тутилиш касалига, ўпка плевретига, дифтерияга, болалар бош оғригига тавсия қиладилар. Икки грамм гулимни совуқ сув билан бир неча кун ичилса, сафрони йўқотади. Гулимни туйиб қанд билан аралаштириб ейилса, эски иситмани йўқотади. Бурнингизни ичи доимо қуриб юрса, гулимни қайнатиб, сувини бурунга тортинг, қутиласиз. Гулимни яллиғланган жойга, бош оғригига, йўғон ичак ёрилишига ва оғригига боғланса, даф қилади, иссиғдан яллиғланишга, нўъ шамоллашига, пайни юмшатишга, сафродан қутир бўлишга ва қичишишига боғланса наф қилади.

Гунафша ёғи уйқу келтиради, қўтирни ва бурун қуришини йўқотади, йўтални қолдиради, соч-соқол тўкилишининг олдини олади, пай ва бўғинларни юмшатади, тирноқларни мустаҳкамлайди. Ҳаммомда терлагандан сўнг ундан уч грамм ичилса, нафас сиқишини қолдиради. Агар болаларнинг кўксига суркалса, қуруқ йўтални тезда бартараф қилади. Агар ундан пахтага тегизиб, бурунга томизилса, уйқусизлик касалини йўқотади.

ГУНАФША ЁҒИНИ ОЛИШ

Бир юз эллик грамм гунафша гулини бир литр кунжут ёғига солиб қўясиз. Уч-тўрт кундан кейин гунафша гулини сиқиб, ёғдан ажратиб оласиз. Ўрнига яна гунафша гули соласиз, яна тозалайсиз. То кунжут ёғи гунафша гули рангига киргунча бу ҳолатни такрорлайсиз.

Ҳар бир навимнинг гулида қайт қилдирувчи модда бор ва у томирларимда кўпроқдир. Янги очилган гулимнинг шираси кўкйўтални ва болалар тумовини йўқ қилади.

Форсчадан М. ҲАСАНОВ таржимаси.

● Филателистлар альбомидан

Тинчлик ва дўстлик ҳақида

Бу йил филателистлар учун баракали ва маз-мунли йил бўлди. Турли темаларга бағишлаб чиқарилган юзлаб марналар ичида тинчлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорликка бағишланган марналарни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ, Франция ва ҒФР га қилган дўстона сафари ҳамон жаҳон тинчликсевар кишиларининг диққат марказида турибди. Шу тарихий воқеаларга бағишлаб Иттифоқ алоқа министрлиги нашриёти уч хил марка чиқариб муомалага тарқатди.

Марналарда Москва куранти, АҚШ, Франция ва ҒФР пойтахтларининг диққатга сазовор бўлган ерларидан намуналар берилган. Шунингдек, Ер шари ва унинг юқорисида «Тинчлик программаси амалда» деб ёзилган сўзлар бор.

Марналарнинг ҳар бирида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлари битилган махсус варақчалар бор. Бу эса марналарнинг янада мазмунли чиқишини таъминлаган, Айни вақтда, марказда ифода қилинган сўзларнинг инглизча тексти ҳам бўлиб, бу чет эллик филателист ва марка ишқибозлари учун айни муддаодир.

И. УСМОНОВ.

ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ

▲ Тоғу-тошни сел бузади,
Одамзодчи гап.

▲ Юз одамнинг рангини билгунча,
Бир одамнинг отини бил.

▲ Тарвузни чертиб кўр,
Йигитни сўзлатиб кўр.

▲ Вақт — аҳдадир,
Ғофил бўлма—қочадир.

▲ Ботир — тўқкашувда, юввош —
тиришқоқликда синалади.

▲ Одобнинг боши — тил.

▲ Ҳайдагани беш эчки, бақиргани юрт бузар.

Меволарни қумда сақлаш мумкинми?

Газетхон илтимоси

«Ҳурматли редакция! Мен ҳаваскор боғбонман. Аммо афсуски меваларни кишда сақлаш йўлларини билмайман. Шунинг учун олма, нок, беҳи сингари меваларни қишда сақлаш йўллари ҳақида маълумот беришингизни истар эдим.

А. ЎРАЗМЕТОВ».

Меваларни қишда яхши сақлаш учун уларни ўз вақтида узиб олиш лозим бўлади. Нокни териб олиш муддатини аниқлаш бошқа меваларга нисбатан бирмунча қийинроқдир. Нок тўла пишгунча дарахтда қолдирилади, эти донадорлашиб кетади, унда тошсимон қаттиқ доначалар пайдо бўлади. Нок уруғи жигарранг тусга кира бошлаган вақтда терилади. Қишки ноклар шу навга хос катталикка эга бўлгунча ва ўзига хос рангга киргунча терилмайди. Териш вақтида мевабанд мева шохчасидан осонлик билан ажраладиган бўлиши керак.

Беҳи тўқ яшил тусдан ранги ўзгариб, оч сариқ тусга кирганда, яъни етилган пайтда териб олинади. Бу вақт беҳининг кузда пишадиган навлари учун сентябрнинг иккинчи ярмига, қишки навлари учун эса октябрнинг ўрталарига тўғри келади. Қишки нав беҳилар барг тўкилабошлагунча дарахтда қолдирилади. Етилтирмасдан терилган беҳилар ўз қийматини йўқотади. Беҳини узоқ муддат сақлаш учун уни қайчи билан кесиб олиш керак.

Олмани сақлаш учун ариқ қумидан фойдаланса бўлади. Бунинг учун қум тоза ва офтобда яхши қиздирилиб ҳар хил микроблардан тозаланади. Сўнгра унга 30—35 процент намлик берилади. Ертўлада ғишт, ёғ, ёки бетон устига 2—3 сантиметрли қилиб қум сепилади, сўнгра 60—80 сантиметр кенглинда хоҳаланча қилиб олма териб чиқилади. Сўнгра олма устидан яна нўмилгунча қум сепилади, шу миқдорда 5—6 қатор қилиб тахланади. Агар хона ерли бўлса, чуқурлиги 50—60 сантиметр, кенглиги 80 сантиметр қилиб конус шаклида ўра ковланади. Ура тагига тозаланган қум солиб олмаларни 5—6 қатор қилиб териб, оралиқлари қум билан тўлдирилади. Шу шаклда яхши саралаб олинган олмалар узоқ муддатгача сақланади.

Юқорида айтиб ўтилгандан ташқари меваларни сақлашда биологик фунгицидлар ва антисептиклардан фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун саримсоқ, пиёз пўсти, хрен, райҳон, ялпиз ўсимликларини қуритиб, майдалаб ишлатиш мумкин. Ёки шу ўсимликларнинг зардобини (сувини) сиқиб олиб, сув билан аралаштирилади. Тайёрланган суюқликка олмани ботириб олиб сўнгра салқин шабадароқ жойда қуритилса, меванинг устидаги микроорганизмлар ҳалок бўлади. Агар шу ўсимликларни яшикларда олмалар орасига ёки сўкчаклардаги олмаларга сепиб қўйилса, у ҳолда мевалар ҳар хил касалликлардан сақланади. Айниқса, мевалар учун энг хавфли қурум замбуруғ касаллигининг олдини олиш мумкин. Бу усулда сақланган мевалар оддий усулда сақланганига нисбатан анча узоқ вақт туради ва чиқиндиси кам бўлади.

Ғ. ИСРОИЛОВ,

Ленин орденли академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

● Билиб қўйган яхши

Қўкатларни қишга асраш

Қишга асрамоқчи бўлган кўкатларингиз агарда тўғри тайёрланган бўлса, ҳеч вақт мазасини йўқотмайди. Петрушка, укроп таркибида А, С, Е, К каби витаминлар бор. Тайёрланган кўкатларингизни баҳорда ёки қишда ҳар хил овқатларга бемалол ишлатишингиз мумкин.

Петрушкани ёки укропни олдин муздек сувда яхшилаб чайиб олганингиздан сўнг, майда қилиб тўғрайсиз. Унга аччиқ бўлмаган гаримдорини аралаштирсангиз, яна да мазали бўлади. Бу кўкатларни бир килограммига 170 — 200 грамм туз солиниб. яхшилаб аралаштирилади. Баъзан, кўкатларга петрушка ва сабзи илдизларини ҳам солишади. Тайёр бўлган кўкатни тоза идишга солиб, ёғсиз қошиқ билан яхшилаб сиқилади. Шундан сўнг қопқоғи ёпилади. Уни қоронғи ва қуруқ ерда асраш керак.

Баъзи бир уй бекалари фақат укропнинг ўзини тайёрлашни лозим кўришади. Бундай пайтда, кўкатни банкага қават-қават қилиб тахлаб туз сепишлари керак. Бир килограмм укропга 150 грамм туз солинади. Бундай кўкат тайёр бўлаётган суюқ овқатларга ярим соат олдин солиниши керак. Агарда сиз қуюқ овқатга шу кўкатлардан ишлатмоқчи бўлсангиз, икки-уч маротаба совуқ сувга чайиб ташлаб, ишлатишингиз мумкин.

ДОВЮРАК... ЎҒРИЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Чикагодаги зоомагазинлардан бирининг эгаси Чарльз Глат эрталаб ўз магазинини очиб, икки тарантул, икки метрли бўғма илон ва бир ярим метрли чинқироқ илонни ўз ўрнида кўрмагач, кўзларига ишонмади. Уларнинг қафаслари бўм-бўш эди. Турли ҳайвонлар қамалган бошқа бир неча қафас ва балиқ акваториумлари ҳам бўш эди. Мистер Глат аламидан йиғлашига оз қолди. Чунки унинг суюкли тарантули йўқолганди. Унинг диаметри 12 сантиметрдан ошиқ бўлиб, кўп вақтларгача зоомагазиннинг фахри бўлиб келганди. Аммо тез орада мистер Глатнинг алами ҳайратланишга айланди. Бир қанча аломатларга қараб, қафас ва акваториумдаги ҳамма нарсалар, шу жумладан заҳарли тарантул ва илонларни ўғрилар ўғирлаб кетган деган бирдан-бир хулоса чиқариш мумкин эди. Ҳеч ақлим бовар қилмайди, булар уларга нимага керак бўлиб қолди экан, ахир улар ўз ҳаётларини қурбон қилишлари ҳем мумкин эди-ку, дейди ёқа ушлаган зоомагазин эгаси.

(ТАСС).

● ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

БАЛИҚ ТАОМЛАРИ

Балиқни фақат ёққа қовурибгина эмас, бошқа кўп хил технологик усулларда пишириш ҳам мумкин. Пазандаликда нўлланиши ва озиқ-овқатли хусусиятлари жиҳатидан балиқ йирик ҳайвонот гўштидан сира қолишмайди. Айниқса, балиқ таркибидаги оқсил ва ёғ моддалари ўзининг тўқтутарлиги билан қимматли бўлса, А ва Д витаминларига сероблиги жиҳатидан афзалдир.

Димлама

Карп, сазан, лещ каби кўл ва дарё балиқларини яхшилаб тозалайсиз, совуқ ва иссиқ сувларда ювгач, 50—60 граммли бўлакларга бўласиз ва юзига туз сепиб олиб қўясиз.

Пиёз, саримсоқ ва укропни майда тўғраб бир-бирига аралаштирасиз. Қозонда пича қўй ёғидан доғлаб, тепасига балиқ бўлаклари, устидан эса бир қават пиёз соласиз. Сўнгра яна балиқ, яна пиёз қўйиб қаватлаб чиқасиз.

Қозондаги масаллиқнинг юзи билан баробар сув қуйиб, таъзга кўра турч ёки қалампир сепасиз ва устига тоғарача тўнтариб, буғ чиқмайдиган ҳолда димлайсиз. Бу таомни жуда суст оловга қўйиб, 1 соат давомида милтиратиб қайнатилади. У то пишмагунча қопқоғи очилмайди. Тайёр бўлгач, сардагини пиёлаларга алоҳида сузиб, балиқ гўштини эса ликопчаларда дастурхонга тортасиз.

Масаллиқ: 1 килограмм тозаланган балиқ, 0,5 кило пиёз, 1 бош саримсоқ, 1 боғ укроп, таъзга кўра туз ва турч керак бўлади.

Ёпма балиқ

Катталиги бир қарич келадиган балиқлардан олиб, сиртидан ёрилади, яъни каллаининг устки қисмидан думига қаратиб умуртқа бўйлаб пичоқ тортилади. Шунда балиқ гўшти яполоқ, ликопчасимон шакл олади. Чавоғини тозалаб ювиб юборилгач, ун, туз ва турч аралаштирилган урвоққа босасиз-да, қизитилган тандирга ной каби ёпиб пиширасиз.

Тайёр таомни лаганга тузаб, атрофига бодринг, помидор, пиёз, турп, редиска каби сабзавотлардан гарнир қўясиз ва дастурхонга тортасиз.

Масаллиқ: 1 кило балиққа 200 грамм ун, бир ош қошигида туз, бир чой қошигида турч. Сабзавот гарнири талабга кўра тайёрланади.

Кабоб

Кабоб гўштдангина эмас, балиқдан ҳам тайёрланса бўлади. Кўпчилик балиқ кабобни тасаввур ҳам қилмайди, аммо бу таом Аму ва Сир бўйларида яшаган қадимий балиқчи боболаримиздан меросдир.

Кабоб учун беқитириқ лаққа балиқ ишлатилган. Эндиликда осетр, севрюга, белуга каби лаҳм гўшт балиқлардан тайёрласа ҳам бўлади. Хуллас, балиқ гўшти худди кабобга тўғралгандек қилиб катта-кичиклиги ёнғоқдек бўлакларга бўлинади. Юзига туз ва турч сепиб, пиёз селига ботириб қўйилади. Бунинг учун бош пиёзни майда чопиб, хўб эзилади ва ҳосил бўлган селни балиқли идишда яхшилаб қориштириб олиб қўйилади. 15—20 минут муҳлатдан сўнг сихга тортилади.

Қўрада пистақўмирдан лахча чўғ тайёрлагач, сихларни териб аввал бир томони, сўнгра иккинчи томони қизартириб пиширилади. Вақти-вақти билан балиқ кабобни сариёғ билан ёғлаб турилади, шунда у жуда серлаззат бўлиб пишади.

Р. БЕКОВ.

РЕПОРТАЖ

„ОЙМОМА — БОҒ“ ДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Ҳатто энг жиддий кишилар ҳам бўш вақтларида ниманидир эрмак қилишлари сир эмас. Ҳар ҳолда, ондасонда бўлса ҳам, бошқа нарсалар билан шуғулланиб, мияга дам бериш керакда, ахир!

Мана, ҳозир ҳам бир ярим-икки соат бўш вақтингиз бўлса, ёнингизга ўғил-қизингизни олингда, шаҳримиздаги Тельман номли паркка равона бўлинг. Бу ерда Салор анҳори бўйидаги спорт майдонида қардош Чехословакиядан 42 та темир йўл платформасида келтирилган бутун бир аттракцион комплекси жойлашган.

Энди бу ерни шунчаки боғ эмас, балки «Оймома-боғ!» дейишади. — Хўш, нима учун «Оймома-боғ» дейилар экан, —деб сўрадим мен Тошкентдаги ҳозирги энг гавжум жойдаги аттракционнинг директори, Чехословакиянинг Пардубице шаҳридаги машинасозлик заводининг ёш инженери, баланд бўйли Иржи Крислдан.

— Нега дейсизми?. О!.. Буни сизга қандай тушунтирсам экан. Юринг «Горску бобову драгуга». Кечирасиз... «Парвоз баландлиги»га борамиз. Фақат ерни маҳкам ушлаб турасиз ва сизнинг кўз олдингизга космик манзара — Ойдан ернинг кўриниши намоён бўлади.

«Маҳкам ушлаш» керак бўлган «ер» аравачанинг пўлат гардиши экан. Бу бизни паркнинг дарахтларидан юқорида ястанган уч қаватли эстакада устидан баланд-паст, уйдим-чуқур жойлардан тараққ-туруқ қилиб олиб кетди. Билмадим, агар «космонавт» ўн етти ёшда бўлганда дастлаб ҳаракат жуда ортиқчалигидан қўрқиб, кейин эса, унга бардош бериб ерга эсон-омон қўнгач, ўзини чинакам эрйигит ҳисоблаган бўлармиди... Тўғри, бундан кейин «космик кема»дан тошкентлик турли ёшдаги Валентина Терешковалар шод-хуррамлик билан тушиб кела бошладилар.

Лекин шу пайт Иржи Крисл меҳмондўстлик билан «Космодром» аттракционини ҳам кўришни таклиф этади. Майли, мезбоннинг айтгани бўлсин. Контролёр гиламча (чинакам «учар гилам!) топширади, пневматик лифт эса, бир дақиқада «космонавт»ни худди эртаклардагидек учар аппарат билан 18 метрлик юқорига итқитиб юборади. Уф!.. «Гагариннинг янги дублёри» қўлтиқда гилам билан кўрик, айни пайтда учиш майдончасига чиқади ва, старт муддатини беихтиёр ўзидан узоқлатиб «Ойдан Ернинг ажойиб кўриниши» ҳақидаги гаплар билан ўзинга далда беради. Дарвоқе, айниқса қоронғи тушгач «Оймома-боғ»нинг минглаб чироқлари ёнгач, худди шундай дейишга тўла асос пайдо бўлади.

Бу ерда, баландликда ердаги «команда пункти»да бевосита раҳбарлик қилиб турган Тельман номли паркнинг директори Амбарцум Сергеевич Огановнинг гаплари ёдга тушади.

— Бу комплекс атиги бир ҳафтада ишга туширганлигини биласизми?— дейди у.— Шаҳар йўл қурилиши ремонти трестининг ишчилари комплекс қуриладиган жойда ўн минг квадрат метрга асфальт ётқизганликларини, янги транскиоска қурганликларини, кабель ётқизганликларини ва илгари бўм-бўш ётган бу жойга 200 киловатт электр қуввати берганликларини ҳам билмассиз. Тошкент савдо жиҳозлари заводи боққолчилик бўюмларининг икита парильонини, сакизта газ-сув автоматини, ўнга яқин касса пунктларини ишга туширдилар! Атиги 20 кун мобайнида Тельман паркида, кечирасиз бизнинг «Оймома — боғимиз»да ярим миллион тошкентлик бўлди. Фақат шаҳарликлар эмас, биз «Политотдел» колхозидан келган 50 дан ортиқ дала меҳнаткашларига ҳам хизмат кўрсатдик. «Шундай пахта йиғимтерими авж олган пайтда-я?» дерсиз. Ҳа-де!.. Ахир меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш бизнинг жонажон ишимиз-ку. Чехлар кеттач, кейин нима бўлади? Сиз қандай ўйлайсиз? Биз эса ўйлаб қўйганмиз. Краснодар ўлкасидаги Ейск шаҳридан ўзимизнинг «Автодром» аттракционимиз учун жиҳозлар келтириб қўйдик.

Амбарцум Сергеевичнинг ахбороти қанчалик қувончли бўлмасин, «учар гилам»да сайр қилиш ундан ҳам кўнгилли эди.

— Қани, бўлди... — деб жилмайиб старт вақтини эслатди Ирже Крисл.

Бунга жавобан, биз, худди Гагариндек дадил:

— Кетдик! — дедик.

Гиламда бир неча марта айланганимиздан кейин, жонажон еримизга яна қайтиб тушдик. Унда юриш қанчалик енгил! Эндиликда эса Ирже Крислнинг қистовисиз турли-туман чироқлар орасида учаётган «Занжирли карусель», «Қўнғироқли йўл», «Центрифуга»га қараймиз. Кейин эса самокатга ўтириб «Даҳшат қалъаси»га йўл оламиз. Унинг пештоқидан шайтонлар, девлар, бўрилар, беш оёқли махлуқлар қараб туришарди.

— Иржи, буларни ким тайёрлаган?

— Бизнинг чизма, ҳисоб-китобларимиз ва иштирокимизда Чехословакиянинг заводларида тайёрлашган. Масалан, «Даҳшат қалъаси»нинг авторлари ва раҳбарлари ота-бола Вацлав ва Эмиль Янечеки, «Маржон каруселнинг» автори эса Карел Кочка...

— Масалан, «Автодром» қанчага тушди?

— Совет пули билан ҳисобланганда бир юз етмиш минг сўмчага.

— Қиммат эмасми?

— Бир ярим-икки йилда ўзини оқлайди.

«Автодром» тўсилган жойда одамлар тўпланган. Ахир, олдингда ўзинг ҳоҳлаган рангдаги, яъни қизил, яшил, сариқ, жигарранг, «мерседес»лар, «форд»лар, «шкода»лар, «ситрон»лар, «оппель»лар, «фиат»лар тўрса-ю, пўлат пластинлар бўйлаб сайр қилгинг келмайдими?

— Хизмат қилувчиларнинг сони қанча?

— Ўттиз беш одам Чехословакиядан, яна шунча тошкентлик дўстлардан. Бу ҳар куни «Оймома — боғ»нинг ўн минглаб меҳмонларининг қувноқ ва хавфсиз дам олишларига етарли.

Иржи столга фойдаланилган билетлар тўла пакетни қўйди.

— Якшанба куни, 21 октябрда 39 минг 934 дона билет сотдик. Бошқа кунлари ўртача 17-18 мингдан... Тез-тез бир-бирини йўқотиб қўйганларнинг фамилияларини радио орқали эшиттиришга тўғри келяпти. Мана, масалан якшанба кунги воқеа: бир соатда радиода 45 бола, икки ота, уч она ва икки бувини қидирдик. Сизларнинг одамлар жуда қизиқувчан экан! Радиомиз орқали энди фақат йўқолган болалар ҳақидагина ахборот бераяпмиз.

Айтгандай, бу ерда кичкинтойлар учун турфа рангли отлари бор болалар арғимчоғи мавжуд. Тошкентлик кичкинтойлар шу аттракционнинг раҳбари Вацлав Халопни яъни «Вацлав амаки»ни яхши кўриб қолишди. Ўтган якшанба куни унга 3096 ёш ташриф буюрди.

Чехословакиялик дўстлар ёши ўтиб қолган ёки касаллиги туфайли космонавт бўлишни орзу қилмай қўйган катта ёшдагиларни ҳам унутишмаган. Улар учун «Оймома-боғ»да чайналадиган резинадан тортиб, то чех ойнаси ва қаҳробо шодасигача мукофотлари бўлган иккита тир мавжуд. Яна ютуқчиқмайдиган, кўнгил очувчи, «Когельбан» аттракцион ҳам бор.

...Мен «Парвоз баландлиги» ёнида чуст дўппи кийган, қўлида ён дафтарча ушлаган, салобатли кишини учратдим.

— Таассуротлар қалай?

— Жуда қизиқарли, қувончли ва шу билан бирга фойдали, — деди у бироз ўйлаб.

Бу менимча, Тошкентида ҳам ўзининг доимий «Оймома-боғи» бўлишини орзу қилган шаҳримизда маданий-оммавий ишларни олиб борувчи масъул кишилардан бўлса керак.

В. КОСТИРЯ.

СУРАТЛАРДА: «Оймома —боғ»да бир кун: ўнгда юқорида — «Маржон карусель»да учиш қандай завқли; «Парвоз тепалиги»нинг раҳбари Голер Индржих ўз хўжалигини кўздан кечирмоқда; чапда Матей Копецкий автомобилда учиш ҳаваскорларини қабул қилмоқда. Бу ерда ҳам кичкинтойлар кўп. «Металл майдонча»да пойга — завқли машғулот. — Тир бекаси Милуша Шалмановнинг зеригишга вақти йўқ.

В. Белоплотов фотолари.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ

ИФОДАЛАШ ҚИЙИН ҚОТИЛЛИК

Воҳид ЗОҲИДОВ.

Сирли-сеҳрли тўғри келишлар бўлиб туради ҳаётда. Куни-кеча зимзиё ярим тунда гоят оғир кайфият буркади мени: Яқин Шарқда ёнаётган алангалар, портлаётган бомбалар, кўтарилаётган қий-чув ва фарёдлар кўзимга кўринаётгандай ва қалбимга баралла эшитилаётгандай бўлаверди, ўртайверди. Бунинг устига, дилим яна ниманидир сезиб ва ниманидир кутаётгандай бўлиб жуда безовта. Шундай пайтда табиат ҳам анча нотинч. Атрофда санқиб эсаётган асов шамол дарғазаб — йўлида учраган дарахтларнинг каттаюкичик шохларини қайириб-қайириб савалар, кучи етганларини синдирар ва ўз қилмишидан хурсанд бўлгандай чинқириб ўтар эди. Яна қайтиб келиб, ердан кучли ҳамда қайқирилли бурама-бурама тўзон кўтарар ва бу билан ҳам ўзининг кутирганлигини билдирар эди. Коинотга қарасам, ярми қолган ой узоқ-узоқларда қопқора булутларга қопланган ҳолда зўр азоб исканжасидагидек кўринарди.

Ҳа, дарҳақиқат, булар, бу тўғри келиш бежиз эмас экан: шундай тийра ва тугёнли тунда бирдан радиодан хабар келди: истилочи исроиллик газандаларнинг катталаридан бири ярим кеча қоронғилигида Дамашқ осмонидан ва Сувайш атрофидан шаҳарда ухлаб ётган болалар, аёллар ва кексалар устидан ажал ёғдиришни ўз жаллодларига буюрибди; яна айтибди: барча арабларни яксон қилмагунча Исроил тинчимайди, қиличини қинга солмайди...

Ушбу ўта мудҳиш ва машъум хабарни эшитишим биланоқ бутун вужудимни қалтироқ босди ва қўлга қалам олиб ўша қотил га жавоб ёзишни фарз деб билдим.

— Сени разил ва қабиҳ десам, озлик қилади, ёвуз ва йиртқич десам ҳам кам бўлади. Риёкор, беҳаё ва қонхўр десам ҳам етарли эмасдек кўринади. Сенинг мақсадларингнинг ўзи шундай ҳеч таъриф сиғмайдиган даражада ёмон, шу қадар ёмонки, уни ифодалаш учун ҳали бирон халқ тилида лаёқатли сўз ҳам, таъбир ҳам йўқ. Шу сабабли, яъни мақсадларингнинг чексиз тубанлиги туфайли ва шу билан тақозо қилинган ҳолда важоҳатинг ва қилмишқидирмишларинг ҳам, юриш-туришларинг ва ҳатти-ҳаракатларинг ҳам изоҳга сиғмас даражада дундир, олчоқликдир.

Ахир, мана неча йиллардирки, нималар қилмаётирсан!? Хусусан, ҳозирги кунларда ваҳшийликнинг ҳаддига чиқиб, мингминг бегуноҳ одамларнинг ястўғини қуритмоқдасан, қанчадан-қанча харобаликлар яратмоқдасан, ота-оналарни фарзандсиз, фарзандларни ота-онасиз қолдирмоқдасан, севишганларни севгилиларидан жудо қилмоқдасан!

Ҳа, қара, чеҳрасидан чечак ҳусни кўринган ва чақноқ кўзларида ҳаёт барқ урган болалар, гўзаллигидан олам ва осмон ҳайратга келадиган аёллар, ҳикмати ва ниятидан нур ёғилиб турган қариялар, қўли гул ва меҳнати мўъжиза катталарнинг қанчадан-қанчаси сен туфайли мурдага айландилар; бунёдкорларнинг пешона теридан унган обод ерлар ва муҳташам бинолар барбод бўлдилар, ўпирилган гўрларга ўхшаб қолдилар!

Араб ўзи қад кўтартирган ўз уйида яшамоқчи ва ўз Ватанига ўзи эгалик қилмоқчи. Сен эса, беҳаё босқинчилик қилиб, ини ўз уйидан ҳайдамоқчи ва ўз Ватанида саргардон этмоқчисан чакалакзорлардаги йиртқичлардек. Араб ўз ерига ўзи ризқ уруғини экиб ва ўз заводида тинч меҳнат қилиб, ўз ақли ва истеъдодини ажойиб маънавий бойликларга — илм ва шеърга, музика ва мактабга айлантириб, осуда ва фаровон кун кечирмоқчи. Сен эса, қоронғиликдаги қақшатғич қароқчидай уни шилмоқчисан ва ҳар томонлама қашшоқлик ҳамда қуллик гирдобига ташламоқчисан. Араб дунёдаги барча тинчликсевар халқларни ҳурмат қилиб, эъзозлаб, улар билан аҳиллиқда, дўстлик, биродарлик ва ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда яшамоқчи, шундай яшаб келди ҳам, шунинг учун ўша халқларнинг ҳуси-рағбатига сазовор бўлди, ҳам. Сен эса, унинг бошига минг хил бўҳтон ҳамда маломат тошларини ёғдирмоқдасан ва энг яхши орзуларини бўғиб ташлашга уринмоқдасан, энг эзгу умид ва фазилатларини ўққа тутмоқдасан. Қара, қотиллигингдан атроф қонга бўялган, ер ларзага келган, осмон алангага тўлган, дунёнинг ҳар жойида сенга қарши қаратилган ғазаб тугёни борган сари кучли кўтарилмоқда. Қара, ҳозирги тирикларгина эмас, ўликлар ҳам сени лаънатламоқда. Эшитаяпсанми уларнинг ҳам ўтли интиқом ва оловли ғазаб овозларини!

Бир кун келиб улар сенинг ёқангдан олажаклар албатта. У кун яқин. Жуда яқин. Мутлақ. Ғазаб ва нафратлари шу қадар зўр — кўп ва кучли!

Ўша сен ҳаётига касд қилган тирик ва ўлик арабларнингина эмас. Сен ўлдириш ва ўлиш гирдобига ташлаган ўз солдатинг қаттиқ ярадор бўлиб асир тушган ва араб ҳарбийлари уни госпиталда даволай бошлаганлар. Айни вақтда, сен эса шу муолижахонани, бошқа бинолар қатори, бомбардимон қила бошлагансан. Шунда араб одампарварлиги ва босқинчи ваҳшийлигидан кўзи ялт этиб очилган ўша солдатинг сени, сенларни лаънатлаб шундай сўзлар айтганки, уларни эшитса, илон ҳам пўст ташлаган бўларди, ер ҳам ларзага келарди. Бу солдат минглардан, бундан ҳам кўплардан бири. Яна кўпаяди ва бир кун келиб улар ҳам сендан ҳисоб сўрайди, ёқангдан олади. Ҳа, шундай бўлади...

Яна: биласанми, ўша сен олчоқ оёқларингни ташлаётган, ҳақоратлаётган ва ўққа тутаётган араб ерларига бундан минг йил олдин бизнинг, «Ҳеч зарар етказмайдиган жониворларга азоб берувчи ва шундан хушнуд бўлувчиларга оллонинг лаънати бўлсин!», деган улуғ даҳо соҳиби, улкан инсонпарвар Беруниймизнинг муқаддас нигоҳи тушган. У ерларда яна бизнинг,

Одам улдурким, жаҳонинг жонидир,
Одамни ёқтирмаганлар-са, ҳечдир.
Одам важҳиндадир сирри — коинот,
Билгинки, у қиблаи раҳмондир.

деб ёзган ва «дилни ғамгин этадиган нарса ёмон қўшни ва ёмон хулқли йўлдошдир», деб таъкидлаган Насиниймизнинг муқаддас одим излари ва ҳоки бор. Араб Лайли ва Мажнунлар дардини чеккан, уларга осудалик ва бахт тилаган Навоийнинг ҳам абадул-абад барҳаёт лаънатловчи ва қасосчи руҳи бор...

Ҳа, бежиз эмаски, сенлар талқинингдаги ҳозирги Исроил менга афсоналардаги ўта машъумлик рамзи бўлган ҳамда жон олувчи ҳисобланган Азроилни эслатади ўз «оҳанги» билан ҳам. Шуниси ҳам борки, Азроил куни битган касалларни олиб кетади, Даянлар талқинидаги, ҳоҳиши ва таърифидаги Исроил ва исроилчилар эса, ажалфурушлиқда Азроилни орқада қолдириб, очиқдан-очиқ, тўрт томондан ҳам соғни, ҳам беморни, ҳам қариями, ҳам энди яшай бошлаган гўдакнинг бошига, бир вақтнинг ўзида ўйлаб, юзлаб ва ҳатто минглаб бегуноҳ миср лик ҳамда сурия лик арабнинг хонадонига ҳеч сўрмасдан ўтириб ўлтирмай ўлим ёғдирмоқда. Ўлимгина эмас. Даҳшатли портлатувчи ҳамда ёндирувчи бомбаларни ишга солиб, харобалар ёнига харобалар қаламоқда, кўшмоқда. Яна, Азроилга ўхшаб жимгина ва ғисиб эмас, очиқдан-очиқ, ўта беҳаёларча, бақириб, қичқириб. Бинобарин, истило, истибдод ва қотилликни касбга айлантирган ҳозирги исроилчилар халқ тасаввурича бўлиши мумкин бўлган гоят даҳшатли ёвузликдан, ёвуздан ҳам ўтиб кетдилар. Ўша юқорида тилга олганимиз истилочи исроил ҳарбийси — ажалфуруш ва вайроначи бошлиқ бетига қараб тўғридан-тўғри айтишга ҳаддим бор:

— Сени она туққан эмас. Сен онадан бўлган эмассан. Одам-ато насаби бўлган ҳеч бир одам она, аниқроқ қилиб айтганда, она одам ўлим ва вайроначилик учун ўз қорнида тўққиз ой оғирлик кўтариб юрмайди, боласи тилга қираётганлигидан ва одим ота бошлаганлигидан ажалфурушлик ва вайроначилик учун хурсанд бўлмайди асло; ажалфурушлик ва вайроначилик учун у кундузларини машаққатда, тунларини бедорликда ўтказиб ва сонсиз-саноқсиз қурбонларга бориб бола катта қилмайди асло. Ҳулласи, ўлим учун авлод яратмайди. Харобалар яратиш мақсадида фарзанд ўстирмайди. Йўқ! Улуғ инсоншунос Алексей Максимович Горький айтганидек, она ҳаёт яратади — одам ва халқ учун, дўстлик, тинчлик ва осудалик учун, ижод ва бунёдкорлик учун, ободонлик ва фаровонлик учун, муҳташам бино ва ёрқин чирок, ҳузурбахш куй, ажойиб китоб ва комиллик учун инсон авлодини яратади, она. Қиска қилиб айтганда, ҳа, ҳеч бир ҳақиқий она ўз кизини котил, ўз ўғлини ўғри-кароқчи бўлсин деб катта қилмайди. — ўзгалар бахтини ўзлаштириш, ястўғини қуритиш ва ўзгалар бунёд этган ободонликларни барбод қилиш мақсадида фарзанд етиштирмайди. Бинобарин, сен қўшининг араб уйига бомба ташлаш билан онанг сийнасига оёқ қўйдинг, онанг сути ва мақсадига хиёнат қилдинг: бечора араб боласининг кўкрагига ўқ узиб ё ёққан ёнгиинингда куйдириб, муқаддас онанинг эзгу одамий орзу-ҳавасларига қарши қаратилган қабиҳлик ва қотиллик қилдинг.

Мана, нима учун сени одам туққан эмас дедим! Ҳа, тўғрисини айтаман:

— Сени сен ва сендайлар яшаётган ердаги, умуман ҳаромхўр сармоя ҳоким мамлакатлардаги машъум социал тузум туққан, шу тузум тақозоси ҳамда талаби билан худо даражасига кўтарилган, бутун вужуди қон, қотиллик ва қароқчиликдан иборат бўлган «Сариқ иблис» туққан; афсоналардаги золим ва ваболардан қолишмайдиган, бошқаларнинг, шу жумладан, сен қўлига қурол бериб фалокатли уруш майдонларига ташлаётган аксар оддий солдатларнинг асл бахтини ўғирлаш ва ўзлаштириш билан кун кўрадиган ҳамда ҳаром бойлик орттирадиган миллионерлар ва миллиардерлар туққан сени. Халқ саодатини емириш билан ҳаёт кечирадиганлар туққан сени.

Кўзингни оч! Қайт қотиллиқдан! Келажагинг йўқ асло. Бунинг устига, қара, бутун дунёдаги оналар, бутун дунёдаги ҳаётсевар болалар, бутун ер юзидаги катталар сени лаънатламоқда. Зотан, яна бир карра қайтариб айтаман: ахир, нималар қилмаяпсан!? Мана, биргина кечаги газетада хабар берилган ёвузликларингнинг баъзилари:

Осмондан «чиройли» ручка, қалам ва «безакли» қутичалар ташлаб (улар қўлга олганда портлайди ва одамни ҳалок қилади!), минглаб бегуноҳларнинг таналарини парчалаб ташлабсан;

шаҳарларнинг энг гавжум, одам кўп юрадиган ва тўпланадиган жойларини танлаб, «Фантом»лардан бомбаларга нишон қилибсан ва яна минг-минг одамларнинг ястўғини қуритибсан;

Камола деган беш ёшли қизча сенинг бомбанг туфайли бир оннинг ўзида ҳам отасидан, ҳам онасидан жудо бўлибди, ҳам ўзини сенинг бомбанг ёққан оловдан шиддатли куяётган ҳолда касалхонага жўнатишибди;

яна шу ернинг ўзида сенинг ташлаган бомбанг қирқ ёшли араб аёлининг ўнг қўлини шартта узиб, учириб кетибди — уйида зор ва интизор кутиб ўтирган бешта боласига ҳали неча йиллар мобайнида ҳаёт ва севинч бахш этадиган, тотли таом ва гўзаллик берадиган қўлини...

Унутма асрлар имтиҳонидан ҳар бир ёмон нарсанинг умри қисқа, ҳар бир разилликнинг ҳам аввали, ҳам мутлақ охири бор.

Унутма асрлар имтиҳонидан ўтган қонунни: жиноят жазосиз қолмайди.

Унутма мутлақ қонуниятни: ҳақиқат букилар, лекин ҳеч қачон синмас... Гитлер газандалари осилган қасос дорларини ёдингдан чиқарма!

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27|X да **Князь Игорь**, 28|X да **Доктор Айболит** (кундуз соат 12 да), **Чио-чио-сан** (кеч соат 7 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27|X да **Кумуш тўй**, 28|X да **Ўжарлар**, 29|X да **Қайнона**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда: шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

Кино

27 ОКТЯБРДА

Телбалар ҳафтаси. — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), Ғ. ҒУЛОМ номли (кечқурун), ҲАМЗА номли (17.30, 20.30), «КУКЧА» (17.00, 20.00).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» 20.00, 21.45).

Решма ва Шера — С. РАҲИМОВ номли (18.00, 21.30).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Санников ери — «ЎЗБЕКИСТОН» 20 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда) «МИР» (кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Синов — С. РАҲИМОВ номли (20.00), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Фидокор ялангоёқлар — «ВОСТОК» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Угай она — «ЧАЙКА» (18.00).

Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузашти. — «СПУТНИК» (18.00, 20.00, 21.00 22.00).

28 ОКТЯБРДА

Телбалар ҳафтаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (14.30, 17.30, 20.30), «КУКЧА» (17.00, 20.00).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КУКЧА» (11.00, 13.00, 15.00), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 20.00, 21.45).

Решма ва Шера — С. РАҲИМОВ номли (14.00, 18.00, 21.30).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Санников ери — «ЎЗБЕКИСТОН 20 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Синов — С. РАҲИМОВ номли (12.00, 16.00 20.00), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Фидокор ялангоёқлар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (11.00, 13.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Парм ибодатхонаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00).

Угай она — «ЧАЙКА» (14.00, 18.00).

Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузашти — «СПУТНИК» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.00, 22.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

3 НОЯБРДА

ҲАМЗА

«БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ»

(3 пардали драма)

СПЕКТАКЛИ БИЛАН

ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Спектакллар кеч соат 7 яримда бошланади.
Билетлар сотилмоқда.
Касса эрталаб соат 10 дан очиқ.

Свердлов номли концерт залида

27 ОКТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА

28 ОКТЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ВА КЕЧ СОАТ 7 ДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Гулсара ЕҚУБОВА;

Солистлар: Фаҳриддин УМАРОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Карима УЗОҚОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Тельман ҲАСАНОВ, Толибжон МУЛЛАЖОНОВ;

Телеминиатюра ва сўз устаси Ҳасан ЮЛДОШЕВ.

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

САНЪАТ САРОЙИДА

29 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ РАНГЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ

„Оддий кийимдаги киши“

БАДИИЙ ФИЛЬМИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«Мосфильм» киностудияси маҳсулоти.

Фильм — Улуғ Ватан уруши даврида, урушдан олдинги ва кейинги йилларда совет разведкачиларининг фашистлар Германиясидаги ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Сеанслар: кундуз соат 11, 1, 3,5 ва 7 ва 8.45 минутда бошланади.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОКШОМИ
27 ОКТЯБРЬ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ,

ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—04446. Нашр В—2327.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02-49 дан 33.02-58 гача, Эълонлар бўлими—33.81-42.